

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№3/2018(138) 1995 йилдан чиқа бошлаган

## БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

### **БОШ МУҲАРРИР:**

Шодиқул ҲАМРОЕВ

### **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Козимджан КАМИЛОВ

Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Баходир ДЕХҚАНОВ

Замира ЭСОНОВА

Олим ҲАЙИТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил  
19 апрелда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0249-рақам билан  
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий  
аттестация комиссияси  
Раёсатининг 2004 йил 17  
декабрдаги 110/4-сонли  
қарорига асосан ҳуқуқий,  
илмий-амалий журнал  
ваколати берилган.

Босишга 11.06.2018 йилда  
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Адади: 4540 нусха.  
Буюртма № 135.

### **МУНДАРИЖА**

#### **2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

*Пленумининг қарорлари*

#### **41. Суд амалиёти**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

## Қ А Р О Р И

2018 йил 19 май

№ 14

Тошкент шаҳри

## Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси янги таҳрирда қабул қилинганлиги, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ҳамда биринчи инстанция суди томонидан қонун нормалари бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асослаиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

## Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларнинг эътибори фуқаролик ишларини кўришда фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш зарурлигига, уларга риоя қилмаслик эса, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ҳуқуқлари бузилишига олиб келишига қаратилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 3-моддасига мувофиқ ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга (бундан буён матнда суд деб юритилади) мурожаат қилишга ҳақли.

3. Аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатиш тўғрисидаги, аризани қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги масала судья томонидан у судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тегишли ажрим чиқариш йўли билан ҳал этилиши лозим (ФПК 192-моддаси).

Судларнинг эътибори ажрим чиқармасдан туриб аризани қабул қилишни рад этиш ёки қайтаришга йўл қўйилмаслигига қаратилсин. Мазкур талаб қарши даъвога ҳам тегишли бўлиб, у ФПК 199-моддасига мувофиқ умумий қоидаларга биноан (судлов-

га тегишлилик бундан мустасно) тақдим этилади.

Судья фақат ФПК 194, 195-моддаларида назарда тутилган асослар бўйича аризани қабул қилишни рад этишга ёки қайтаришга ҳақли бўлиб, бунда қонунда назарда тутилган асослар рўйхати тугал эканлиги инобатга олиниши лозим.

Арз қилинган талаблар исботланмаганлиги, даъво муддати ўтганлиги ва қонунда назарда тутилмаган бошқа асослар бўйича аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатишни рад этишга йўл қўйилмайди.

4. Аризани қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги ажрим нусхаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан аризага илова қилинган ҳужжатлар билан бирга аризага юборилади.

Аризани қайтариш ҳақидаги суд ажрими устидан апелляция ёки кассация тартибидан хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин бўлиб, ажрим бекор қилинган тақдирда, ариза судга дастлаб мурожаат қилинган кунда берилган ҳисобланади.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қарши даъвони у ФПК 200-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб бермаслиги сабабли қабул қилишни рад қилиш ҳақидаги ажрим устидан, бу ҳолат судга мустақил даъво тақдим этилишига тўсқинлик

қилмаслиги туфайли, шикоят берилмайди.

5. Шуни назарда тутиш лозимки, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш фуқаролик процессининг муҳим босқичи бўлиб, бу ишнинг ўз вақтида, ҳар томонлама, холисона кўриб чиқиши ва ҳал қилинишини таъминлайди.

Ишни суд муҳокамасига ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш судга қуйидаги имкониятларни беради:

тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниқлаш;

тарафларнинг талаб ва эътирозларини асословчи, шунингдек, низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни аниқлаш;

ишни ҳал қилиш учун лозим бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаш;

ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби тўғрисидаги масалани ҳал қилиш;

тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан зарур бўлган далиллар тақдим этилишини таъминлаш;

тарафларни яраштиришга эришиш.

Судья ФПК 204-моддасида назарда тутилган барча зарур ҳаракатларни бажариш чораларини кўриши шарт.

Шуни назарда тутиш лозимки, ишни суд муҳокамасига тайёрлашга қаратилган ҳаракатлар, башарти, бундай зарурат кечроқ келиб чиқса, тегишли ажрим қабул қилинганидан сўнг ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги, шунингдек, уни тайёрлаш билан боғлиқ равишда чиқарилган ажримлар ишнинг кейинги ҳаракатига таъсир қилмайди ва улар устидан шикоят (протест) берилмайди, далилларни таъминлашни рад этиш ва даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримлар бундан мустасно.

6. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун ФПК 202-моддасида белгиланган ўн кунлик муддат алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар бўйича (масалан, мулк ҳуқуқи вужудга келиши ёки тугаши (шу жумладан, битимлар, ворислик, давлат мулкани хусусийлаштириш), ер участкасига эгалик қилиш ва фойдаланиш билан боғлиқ низолар бўйича, шунингдек, экспертиза ўтказиш, суд топшириғи юбориш, ишни кўраётган суд фаолият кўрсатаётган ҳудуддан ташқарида бўлган фуқаролар ёки ташкилотлардан материаллар олиш талаб этиладиган ишлар бўйича

суднинг асослангандирилган ажрими билан йигирма кунгача узайтирилиши мумкин.

Алимент ундириш, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказилганлиги, шунингдек, боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган талаблар бўйича ишни суд муҳокамасига тайёрлаш муддати узайтирилишига йўл қўйилмайди.

7. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФПК 207-моддасида назарда тутилган фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишнинг умумий ва қисқартирилган муддатлари ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тугаган кундан ҳал қилув қарори қабул қилинган ёки аризани кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш, ишни бошқа судга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилган кун қўшилган ҳолда ҳисобланади.

Даъвогар томонидан битта аризада ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган ва улардан биттаси учун қонунда кўриш ва ҳал қилишнинг қисқартирилган, бошқалари учун эса, умумий муддати белгиланган бўлса, иш умумий муддатда кўрилиши ва ҳал қилиниши лозим.

Битта иш юритишга бирлаштирилган ишларни кўриш ва ҳал қилиш муддати кейин кўзғатилган иш бўйича белгиланади. Талабларнинг бир қисми алоҳида иш юритишга ажратилганда, ажратилган талаб бўйича ишни кўриш ва ҳал қилиш муддати талабни ажратиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Иш юритиш тўхтатилганидан у тиклангунга қадар бўлган вақт ишни кўриш муддатига қўшилмайди.

Хусусий шикоятни (протестни) кўришга кетган вақт ишни кўриш муддатига қўшилмайди.

8. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, суд топшириғини бажариш қонунда белгиланган барча талабларга риоя этилган ҳолда суд мажлисида амалга оширилиши лозим (ФПК 104-моддаси). Бунда ишда иштирок этувчи шахслар ФПК 40-моддасига биноан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг илтимосномасига асосан ёзма тушунтиришлар суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилиши мумкин. Тарафлар ва учинчи шахслар номидан тушунтиришларни уларнинг вакиллари беришлари мумкин. Гувоҳлар била туриб ёлгон кўрсатувлар берганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилиши шарт.

Суд топшириғини бажариш пайтида тузилган суд мажлиси баённомасида иш бўйича аҳамиятга эга ҳолатлар ва қўйилган саволларга тўлиқ жавоблар акс эттирилиши лозим.

9. Далилларни таъминлаш ҳақида ариза кўрилатганда шуни назарда тутиш лозимки, ФПК 76 ва 77-моддаларига мувофиқ у қуйидаги тарзда:

иш кўзғатилгандан олдин ҳам, кейин ҳам; нафақат ишни кўраётган судга, балки далилларни таъминлаш бўйича процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши лозим бўлган жойда фаолият юритаётган судга ҳам берилиши мумкин.

Далилларни таъминлаш ҳақидаги аризани кўришда суд ФПК 77-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Далилларни таъминлаш тартибида тўпланган материаллар тегишлилиги бўйича ишни кўриб чиқаётган судга юборилади ёки аризачига берилади.

10. Шуни назарда тутиш лозимки, шахснинг бузилган ҳуқуқларни тиклашга қаратилган суд қарорини амалда ижро қилиш ФПК 106-моддасида назарда тутилган даъвони таъминлаш чоралари ўз вақтида ва тўғри танланганлигига боғлиқ.

Шунга кўра, ариза қабул қилиниб, иш кўзғатилгандан сўнг судья низонинг хусусиятига қараб, манфаатдор шахсдан бундай ариза келиб тушган-тушмаганлигидан қатъи назар, даъвони таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш масаласини ҳал қилиши шарт.

Даъвони таъминлаш чораларини кўраётган судья аризачининг ихтиёри билан боғлиқ эмас ва даъвони таъминлаш бўйича чоралар арз қилинган талабларга мутаносиб бўлишини таъминлаши шарт.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, давлат фойдасига мулкий ундирувлар билан боғлиқ ишларни кўришда даъвони таъминлаш чораларини кўриш шарт.

11. ФПК 156-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ишда иштирок этувчи шахслар ва суд процессининг бошқа иштирокчилари суднинг айрим процессуал ҳаракатлари, шунингдек, ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида суд чақирув қоғозлари, зарур ҳолларда эса, буюртма хатлар, телефонограммалар, телеграммалар ва хабардор қилинганлик факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинадилар. Ишда иштирок этувчи шахс томонидан электрон почта манзили

кўрсатилган бўлса, хабар электрон ҳужжат кўринишда амалга оширилади.

12. ФПК 213-моддасига кўра, суд мажлисида ҳозир бўлган процесс иштирокчилари шахси суд томонидан уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, хизмат гувоҳномаси ва бошқа ҳужжат) асосида аниқланади.

Давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, мансабдор шахсларига нисбатан бундан ташқари, уларнинг ваколат доираси текширилиши лозим.

Муомала лаёқати чекланганнинг васийси ёки муомалага лаёқатсиз шахснинг ҳомийси томонидан кўзғатилган иш бўйича фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ёки уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори мавжудлиги текширилиши лозим.

ФПК 67-моддаси иккинчи қисмининг 7-бандида кўрсатилган шахсларни суд мажлисида иштирок этиш масаласини ҳал қилишда шуни назарда тутиш лозимки, қонунга асосан судда профессионал фаолият билан вакил сифатида фақат адвокатлар шуғулланиши мумкин.

13. Суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилганда, шунингдек, суд мажлисида аудио ёки видеоёзув амалга оширилганда, суд бу ҳақда ишда иштирок этувчи шахсларни огоҳлантиради ва ФПК 208-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ суд мажлисида аудио ёки видеоёзув тарафлар розилиги билан амалга оширилиши мумкинлигини тушунтиради.

Суд мажлисини оммавий ахборот воситалари орқали трансляция қилишга ишда иштирок этувчи шахслар розилиги ва раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади. Бу ҳаракатлар суд мажлиси залида фақат раислик қилувчи томонидан кўрсатилган жойдан туриб амалга оширилиши лозим ва вақт бўйича чегараланиши мумкин.

14. Аризани кўрмасдан қолдириш оқибатлари мазкур ҳуқуқий институтни қўллаш асосларига боғлиқ бўлганлиги сабабли, суд ФПК 123-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ўз ажримидан манфаатдор шахсларга аризани кўрмасдан қолдириш оқибатларини ва бунга асос бўлган сабабларни бартараф этиш йўллари тушунтириши шарт.

Аризани ФПК 122-моддасининг 5, 6 ва 7-бандларида назарда тутилган асослар бўйича кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги суд ажрими устидан хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин.

15. ФПК 72-моддаси талабларига кўра, ишни кўриб чиқишда ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Бунда иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар, шунингдек, улар тарафлардан қайси бири томонидан исботланиши лозимлигини белгилаш қонун билан суднинг зиммасига юклатилган.

Арз қилинган талаблар ва эътирозлар хусусиятини инобатга олган ҳолда зарур исботлаш воситалари доирасини белгилаш чоғида, суд тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга қўшимча далиллар тақдим этишни тақлиф қилиши мумкин. Қўшимча далиллар тақдим этиш тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар учун қийинчилик туғдирган ҳолларда, суд уларнинг илтимосномасига кўра далилларни йиғишда кўмаклашади.

Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан тақдим этилган, алоқадорлик (ФПК 73-моддаси) ва мақбуллик (ФПК 74-моддаси) талабларига жавоб берадиган ҳар бир далил суд муҳокамаси давомида текширилиши лозим.

Аноним хатларда ва келиб чиқиши номаълум бўлган бошқа маълумотлар, шунингдек, қонунга зид равишда ёзиб олинган телефон сўзлашувлари далил ҳисобланмайди ва ФПК 71, 74-моддаларига асосан суд уларни кўриш учун қабул қилмаслиги лозим.

16. Судларга тушунтирилсинки, жавобгар томонидан даъво талаблари қисман тан олинган ва у суд томонидан қабул қилинганда, далиллар фақат даъвонинг жавобгар томонидан тан олинмаган қисми бўйича текширилади. Бундай ҳолда ҳал қилув қарори ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича барча арз қилинган талаблар юзасидан қабул қилинади.

Жавобгар арз қилинган талабларни тўлиқ тан олганда ва суд уни қабул қилганда, арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори тақдим этилган далиллар текширилмаган ҳолда қабул қилинади. Бундай ҳолда жавобгар даъвони тан олганлигини қабул қилиш тўғрисида суд томонидан алоҳида ажрим чиқарилмайди.

Бир тараф ўз талаб ва эътирозларига асос сифатида келтирган факт иккинчи тараф томонидан тан олинганлиги суд мажлиси баённомасига киритилиб, фактни тан олган тараф томонидан имзоланиши лозим.

Агар суд лозим деб топса, суд мажлиси баённомасига киритилган тушунтиришлар, кўрсатувлар, шунингдек, баёнотлар ва хуло-

салар тегишли тарафлар, гувоҳлар, мутахассислар ва экспертлар томонидан имзоланиши мумкин.

17. Текширилаётган далиллар ишончилигига шубҳа туғилганда, суд уларни мазмун ва расмийлаштирилиши тўғрилигини текшириш, зарур ҳолларда эса мутахассис жалб этиш ёки тегишли экспертиза тайинлаш йўли билан ҳал этиши лозим.

Суд мутахассисни далилларни текширишда маслаҳат ва тушунтириш олиш ёки бевосита техник ёрдам кўрсатиш (фотосуратга олиш, план ва схемаларни тузиш, экспертиза учун намуна олиш ва ҳоказо) учун жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Эксперт хулосаси талаб этиладиган саволлар доираси ишда иштирок этувчи шахслар фикрини инобатга олган ҳолда белгиланади. Шунинг назарда тутиш лозимки, ҳал этилиши суднинг ваколатига тегишли бўлган масалаларни (масалан, уйни мулк ҳуқуқидаги улушини инобатга олган ҳолда бўлиш имконияти тўғрисида эмас, балки уйнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқи борлиги ёки фуқаронинг касаллиги хусусияти тўғрисида эмас, балки муомалага лаёқатлилиги масаласини) экспертиза олдида қўйилиши мумкин эмас.

Эксперт хулосасини ўрганишда суд унинг экспертиза ҳал этиши учун қўйилган саволларга мувофиқлиги, шунингдек, унда мавжуд хулосалар тўлиқ ва асосланганлигини текшириши лозим бўлиб, саволлар туғилганда, суд экспертни тушунтириш бериш ёки хулосани тўлдириш мақсадида сўроқ қилиш учун чақиришга ҳақли.

18. Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан янги далилларни талаб қилиб олиш, иш муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисидаги ва иш билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича илтимосномалар бевосита улар арз қилинганидан сўнг суд процесси бошқа иштирокчиларининг фикри инобатга олинган ҳолда, ажрим чиқариш йўли билан ҳал қилинади.

19. Иш муҳокамаси кейинга қолдирилганда, суд кейинги суд мажлиси вақтини шу давр мобайнида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни инобатга олган ҳолда тайинлаши лозим.

Кейинга қолдирилган ишни кўриш қолган жойидан давом эттирилади, ФПК 39-моддасида санаб ўтилган янги шахсларни ишга жалб қилиш ҳоллари бундан мустасно бўлиб, бундай ҳолда иш муҳокамаси бошидан бошланади.

20. ФПК 118-моддасида белгиланган иш

юритишни тўхтатиб туриш муддатлари муайян ҳолатлар билан боғлиқ бўлиб, бундай ҳолатлар вужудга келиши суд зиммасига уни тиклаш мажбуриятини юклаши сабабли, суд мазкур ҳолатлар вужудга келган-келмаганлигини вақти-вақти билан текшириб турилиши лозим.

Иш юритиш тўхтатиб турилган ҳолларда, суд ишда иштирок этувчи шахсларга иш юритишни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар барҳам топганлиги ҳақида судни хабардор қилиш зарурлигини тушунтириши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, иш юритиш тиклангунга қадар суд бирор-бир процессуал ҳаракатни амалга оширишга ҳақли эмас, даъвони ва далилларни таъминлашга қаратилган ҳаракатлар бундан мустасно.

21. ФПК 144-моддасига мувофиқ мажбурий келтириш процессуал мажбурият чораси сифатида, фақат шахс суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган, унинг суд муҳокамасида иштироки қонунга кўра шарт бўлган ёки суд томонидан шарт деб топилган ҳолларда қўлланилишига йўл қўйилади. Мажбурий келтириш ҳақидаги суд ажрими ижроси унда кўрсатилган ички ишлар органига юклатилади. Мажбурий келтириш билан боғлиқ харажатларни ундириш масаласи суд томонидан ажрим чиқарилган пайтда ёки ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинаётган пайтда ҳал қилиниши мумкин.

22. Тушунтирилсинки, судга ҳурматсизлик кўрсатганлиги учун шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида ФПК 150-моддаси тартибида чиқарилган суд қарори устидан ФПК IV-бўлимида белгиланган тартибда хусусий шикоят (протест) келтирилиши мумкин (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 315-моддасининг биринчи қисми, 317-моддасининг учинчи қисми).

23. Судларга тушунтирилсинки, ФПК 165-моддасида назарда тутилган талаблар бўйича жавобгарни (қарздорни) қидириш ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида ҳам, суд муҳокамаси давомида ҳам эълон қилиниши мумкин.

Қидирув иши бўйича қилинган харажатларни ундириш масаласи суд томонидан ФПК 251-моддасига мувофиқ ҳал қилув қарори қабул қилинаётганда ҳал этилади.

24. ФПК 254-моддасига мувофиқ даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, шунингдек,

қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда, суд даъвогар томонидан билдирилган талаблар доирасидан четга чиқиши мумкин.

25. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, иш фақат ФПК 280-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган барча ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин.

Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига такроран келмаганда суд ишни, даъвогарнинг фикридан қатъи назар, сиртдан иш юритиш тартибида кўради.

Агар жавобгар суд мажлисида ҳозир бўлиб, бироқ у тугагунга қадар суд мажлиси залини ўзбошимчалик билан тарк этса ёки иш бўйича эълон қилинган танаффусдан сўнг узрсиз сабабларга кўра, суд мажлисига келмаса, суд иш муҳокамасини давом эттириши мумкин. Бундай суд мажлисида қабул қилинган ҳал қилув қарори сиртдан қабул қилинган ҳисобланмайди.

Сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят (протест) берилмайди, чунки бундай ҳолда сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан ФПК 43-бобидан назарда тутилган тартибда шикоят (протест) берилиши мумкин.

26. Суд мажлиси баённомаси мазмуни ва уни тузиш тартибини белгилувчи ФПК 277, 278-моддалари талабларига қатъий риоя қилиниши, ўз вақтида баённома юзасидан эътироз билдириш ва суд ҳужжатлари устидан шикоят берилишини таъминлашнинг муҳим шартини ҳисобланади.

27. Мазкур қарор қабул қилиниши, шунингдек, қонунчиликка ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"ги 19-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги 14-сонли, 2010 йил 14 майдаги 5-сонли, 2015 йил 13 ноябрдаги 18-сонли ва 2016 йил 29 июлдаги 13-сонли қарорлари билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**

**К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,**  
**Олий суди судьяси**

**И. АЛИМОВ**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ****ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

19 мая 2018 года

№ 14

город Ташкент

**О некоторых вопросах применения судом первой инстанции норм гражданского процессуального законодательства**

В связи с принятием Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан в новой редакции, вопросами, возникающими в судебной практике, а также в целях обеспечения единообразного и правильного применения норм закона судом первой инстанции, руководствуясь статьей 17 Закона Республики Узбекистан "О судах", Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

**ПОСТАНОВЛЯЕТ:**

1. Обратить внимание судов на необходимость строгого соблюдения норм гражданского процессуального законодательства при рассмотрении гражданских дел, поскольку их несоблюдение ведет к нарушению прав сторон и других лиц, участвующих в деле.

2. В соответствии со статьей 3 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее - ГПК) любое заинтересованное лицо вправе в порядке, установленном законодательством, обратиться в суд по гражданским делам (далее - суд) за защитой нарушенного или оспариваемого права или охраняемого законом интереса.

3. Вопрос о принятии заявления к производству и возбуждении дела, об отказе в принятии либо возвращении заявления должен быть разрешен судьей не позднее десяти дней со дня его поступления в суд, пу-

тем вынесения соответствующего определения (статья 192 ГПК).

Обратить внимание судов на недопустимость отказа в принятии либо возвращения заявления без вынесения определения. Указанное требование относится и к встречному иску, который в соответствии со статьей 199 ГПК предъявляется по общим (кроме подсудности) правилам.

Судья вправе отказать в принятии либо возвратить заявление лишь по основаниям, предусмотренным статьями 194, 195 ГПК, имея в виду, что предусмотренный законом перечень оснований является исчерпывающим.

Недопустим отказ в принятии заявления к производству и возбуждении дела по мотивам недоказанности заявленного требования, пропуска срока исковой давности и другим, не пре-

нованиям.

4. Копия определения об отказе в принятии либо возвращении заявления направляется заявителю не позднее следующего дня со дня его вынесения вместе с приложенными к заявлению документами.

На определение суда о возвращении заявления может быть подана частная жалоба (протест) в апелляционном либо в кассационном порядке и, в случае его отмены, заявление считается поданным в день первоначального обращения в суд.

Обратить внимание судов, что определение об отказе в принятии встречного иска ввиду его несоответствия требованиям статьи 200 ГПК, обжалованию не подлежит, поскольку это не препятствует дальнейшему обращению в суд путем предъявления самостоятельного иска.

5. Следует иметь в виду,

что подготовка дела к судебному разбирательству является важной стадией гражданского процесса, обеспечивающей своевременное, всестороннее, объективное рассмотрение и разрешение дела.

Своевременная и качественная подготовка дела к судебному разбирательству позволит суду:

определить правоотношения сторон и закон, которым следует руководствоваться при разрешении дела;

уточнить факты, обосновывающие требования и возражения сторон, а также иные факты, имеющие значение для правильного разрешения спора;

определить круг доказательств, необходимых для разрешения дела, с целью обеспечения их своевременного представления к судебному разбирательству;

разрешить вопрос о возможном составе лиц, участвующих в деле;

обеспечить представление необходимых доказательств сторонами, другими лицами, участвующими в деле;

достичь примирения сторон.

Судья обязан принимать меры к выполнению всех необходимых действий, предусмотренных статьей 204 ГПК.

Следует иметь в виду, что действия, направленные к подготовке дела к судебному разбирательству, могут быть произведены и позже, если такая необходимость возникнет после вынесения соответствующего определения.

Определение о подготовке дела к судебному разбирательству, а также определения, вынесенные в связи

с его подготовкой, не исключают возможность дальнейшего движения дела и обжалованию (опротестованию) не подлежат, за исключением определений по вопросам обеспечения иска и отказе в обеспечении доказательств.

6. Установленный статьей 202 ГПК десятидневный срок для подготовки дела к судебному разбирательству в исключительных случаях по мотивированному определению судьи может быть продлен до двадцати дней по делам особой сложности (например, по спорам, связанным с приобретением или прекращением права собственности (в том числе, по сделкам, наследованию, приватизации государственного имущества), владением или пользованием земельным участком, а также по делам, требующим назначения экспертизы, направления судебного поручения, истребования материалов от граждан или организаций, находящихся вне района деятельности суда, рассматривающего дело).

Не допускается продление срока подготовки дела к судебному разбирательству по делам о взыскании алиментов, о возмещении вреда, причиненного увечьем или иным повреждением здоровья, а также смертью кормильца, и по требованиям, вытекающим из трудовых правоотношений.

7. Обратить внимание судов, что предусмотренные статьей 207 ГПК общий и сокращенный сроки рассмотрения и разрешения дел, исчисляются со дня окончания подготовки дела к судебному разбирательству по день принятия решения либо определения об

оставлении заявления без рассмотрения, прекращении производства по делу, передаче дела в другой суд.

В случае соединения истцом в одном заявлении нескольких связанных между собой требований, для одного из которых законом установлен сокращенный, а для других общий срок рассмотрения и разрешения, дело подлежит рассмотрению и разрешению в общий срок.

Срок рассмотрения и разрешения дел, объединенных в одно производство, устанавливается по делу, возбужденному позже. При выделении части требований в отдельное производство, срок рассмотрения и разрешения дела по выделенному требованию исчисляется со дня вынесения определения о выделении.

Время с момента приостановления производства по делу до его возобновления не включается в срок рассмотрения дела.

Не включается в срок рассмотрения дела время, связанное с рассмотрением частной жалобы (протеста).

8. Обратить внимание судов, что выполнение судебного поручения должно производиться в судебном заседании с соблюдением всех установленных законом правил (статья 104 ГПК). При этом лица, участвующие в деле, в силу статьи 40 ГПК вправе давать устные и письменные объяснения, и по их ходатайству, письменные объяснения могут быть приобщены к протоколу судебного заседания. От имени сторон и третьих лиц, объяснения могут давать их представители. Свидетели должны быть предупреждены об уголовной ответственности за



дачу заведомо ложных показаний.

В протоколе судебного заседания при выполнении судебного поручения должны быть отражены существенные обстоятельства по делу и исчерпывающие ответы на поставленные вопросы.

9. При рассмотрении заявления об обеспечении доказательств необходимо иметь в виду, что в соответствии со статьями 76 и 77 ГПК оно может быть подано: как до, так и после возбуждения дела;

не только в суд, рассматривающий дело, но и в суд, в районе деятельности которого должны быть совершены процессуальные действия по обеспечению доказательств.

При рассмотрении заявления об обеспечении доказательств суд обязан выяснить все предусмотренные в части второй статьи 77 ГПК обстоятельства.

Собранные в порядке обеспечения доказательств материалы, направляются в суд, рассматривающий дело, либо выдаются заявителю.

10. Необходимо иметь в виду, что реальное исполнение судебного решения, направленного на восстановление нарушенного права лица, зависит от своевременного и правильного избрания мер по обеспечению иска, предусмотренных в статье 106 ГПК.

В связи с этим после принятия заявления и возбуждения дела, судья, с учетом характера спора, обязан решить вопрос о принятии необходимых мер по обеспечению иска, независимо от поступления такого заявления от заинтересованного лица.

Допуская меры по обеспе-

чению иска, судья не связан с волеизъявлением заявителя и должен обеспечить соразмерность мер по обеспечению иска заявленным требованиям.

Обратить внимание судов, что при рассмотрении дел, связанных с имущественными взысканиями в пользу государства, принятие мер по обеспечению иска обязательно.

11. В соответствии с частью первой статьи 156 ГПК, извещение сторон и других участников судебного процесса об отдельных процессуальных действиях суда, а также о времени и месте рассмотрения дела, производится судебными повестками, а в необходимых случаях, заказными письмами, телефонограммами, телеграммами и другими средствами связи, обеспечивающими фиксирование факта извещения. В случае указания лицом, участвующим в деле, адреса электронной почты, извещение производится в виде электронного документа.

12. Согласно статье 213 ГПК личность явившихся в судебное заседание участников судебного процесса устанавливается судом на основании документов, удостоверяющих личность (паспорта, свидетельства о рождении, служебного удостоверения и иного документа).

В отношении представителей, а также должностных лиц органов государственного управления и организаций, кроме того, следует проверять их полномочия.

По делу, возбужденному попечителем ограниченно дееспособного либо опекуном недееспособного лица, следует проверять наличие судебного решения о при-

знании гражданина ограниченно дееспособным или недееспособным.

При решении вопроса о допущении к участию в судебном процессе лиц, указанных в пункте 7 части второй статьи 67 ГПК, следует иметь в виду, что в соответствии с законом профессиональной деятельностью в качестве представителей в суде, могут заниматься только адвокаты.

13. При проведении судебного заседания в режиме видеоконференцсвязи, а также аудио- или видеозаписи судебного заседания, суд предупреждает об этом лиц, участвующих в деле, разъясняя при этом, что аудио- или видеозапись судебного заседания согласно части шестой статьи 208 ГПК может осуществляться с согласия сторон.

Трансляция судебного заседания в средствах массовой информации допускается с согласия сторон и разрешения председательствующего. Эти действия должны осуществляться в зале судебного заседания лишь с указанных председательствующим мест и могут быть ограничены во времени.

14. Поскольку последствия оставления заявления без рассмотрения зависят от оснований применения данного правового института, суд, исходя из требований статьи 123 ГПК, в своем определении обязан разъяснять заинтересованным лицам последствия и пути устранения обстоятельств, послуживших основанием для оставления заявления без рассмотрения.

На определение суда об оставлении заявления без рассмотрения по основаниям, указанным в пунктах 5, 6 и 7 статьи 122 ГПК, может

быть подана частная жалоба (протест).

15. В силу требований статьи 72 ГПК, при рассмотрении дела каждая сторона обязана доказать обстоятельства, на которые она ссылается как на основание своих требований и возражений. При этом определение обстоятельств, имеющих значение для дела, а также какой из сторон они подлежат доказыванию, отнесено законом к обязанностям суда.

Определяя круг необходимых средств доказывания с учетом характера заявленных требований и возражений, суд может предложить сторонам и иным участвующим в деле лицам, представить дополнительные доказательства. В случаях, когда представление дополнительных доказательств, для сторон и других участвующих в деле лиц затруднительно, суд по их ходатайству оказывает им содействие в собирании доказательств.

Исследованию в ходе судебного разбирательства подлежит каждое представленное сторонами и иными участвующими в деле лицами доказательство, отвечающее требованиям относимости (статья 73 ГПК) и допустимости (статья 74 ГПК).

Не являются доказательствами данные, содержащиеся в анонимных письмах и другие сведения, происхождение которых неизвестно, а также записи телефонных разговоров, полученные с нарушением закона, и суд на основании статей 71, 74 ГПК не должен принимать их к рассмотрению.

16. Разъяснить судам, что при частичном признании ответчиком иска и приня-

тии его судом, исследование доказательств, производится только в части иска, не признанной ответчиком. Решение в этом случае принимается по всем предъявленным требованиям по результатам рассмотрения дела по существу.

При признании ответчиком заявленных требований в полном объеме и принятии его судом, решение об их удовлетворении принимается без исследования представленных доказательств. В таком случае, отдельное определение о принятии судом признания ответчиком иска не выносится.

Признание стороной факта, на котором другая сторона основывает свои требования или возражения, должно быть занесено в протокол судебного заседания и подписано стороной, признавшей факт.

Объяснения, показания, а также пояснения и заключения, занесенные в протокол судебного заседания, могут быть подписаны, соответственно, сторонами, свидетелями, специалистами и экспертами, если суд признает это необходимым.

17. При возникновении сомнений в достоверности исследуемых доказательств суду следует разрешать их путем проверки правильности содержания и оформления, в необходимых случаях, путем привлечения специалиста либо назначения соответствующей экспертизы.

Суд вправе привлекать специалиста для получения консультаций и пояснений при исследовании доказательств либо для оказания непосредственной технической помощи (фотосъемки, составления планов и схем, отбора образцов для экспертизы и т.д.).

Круг вопросов, по которым требуется заключение эксперта, определяется с учетом мнения участвующих в деле лиц. Следует иметь в виду, что недопустима постановка перед экспертизой вопросов, разрешение которых относится к компетенции суда (например, вопроса о праве собственности на часть дома, а не о возможности раздела дома с учетом долей в праве собственности, либо о дееспособности гражданина, а не о характере заболевания).

При исследовании заключения эксперта следует проверять его соответствие вопросам, поставленным на разрешение экспертизы, а также полноту и обоснованность содержащихся в нем выводов, и в случае возникновения вопросов, суд вправе вызвать эксперта для допроса в целях дачи разъяснения либо дополнения заключения.

18. Заявленные лицами, участвующими в деле, ходатайства об истребовании новых доказательств, об отложении разбирательства дела и по иным вопросам, связанным с делом, подлежат разрешению с учетом мнения других участников судебного процесса, непосредственно после их заявления путем вынесения определения.

19. При отложении разбирательства дела, суд должен назначить время следующего судебного заседания с учетом действий, которые должны быть произведены в период отложения.

Разбирательство дела после его отложения продолжается, за исключением случаев привлечения к участию в процессе новых лиц, перечисленных в статье 39 ГПК, когда разбирательство

дела начинается сначала.

20. Принимая во внимание, что установленные статьей 118 ГПК сроки приостановления производства по делу связаны с определенными обстоятельствами, наступление которых влечет для суда обязанность его возобновления, суду надлежит периодически проверять, не наступили ли эти обстоятельства.

В случаях приостановления производства по делу, суду следует разъяснять лицам, участвующим в деле, о необходимости информировать суд об отпадении обстоятельств, послуживших основанием для приостановления производства.

Следует иметь в виду, что до возобновления производства по делу суд не вправе совершать какие-либо процессуальные действия, за исключением действий, направленных на обеспечение иска и доказательств.

21. В соответствии со статьей 144 ГПК применение привода, как меры процессуального принуждения, допускается лишь в случаях, когда лицо надлежало извещено о времени и месте судебного заседания, его участие в судебном разбирательстве является обязательным по закону либо признано обязательным судом. Исполнение определения суда о приводе возлагается на указанный в нем орган внутренних дел. Вопрос о взыскании расходов на привод может быть разрешен судом при вынесении определения либо при принятии решения по результатам рассмотрения дела.

22. Разъяснить, что на приостановление суда о привлечении лица к административной ответственности за

проявление неуважения к суду, вынесенное в порядке статьи 150 ГПК, может быть подана частная жалоба (протест) в порядке, установленном в разделе IV ГПК (часть первая статьи 315, часть третья статьи 317 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности).

23. Разъяснить судам, что розыск ответчика (должника) по требованиям, предусмотренным статьей 165 ГПК, может быть объявлен, как при подготовке дела к судебному разбирательству, так и в ходе судебного разбирательства.

Вопрос о взыскании расходов по производству розыска подлежит разрешению судом в соответствии со статьей 251 ГПК при принятии решения.

24. В соответствии со статьей 254 ГПК суд вправе в целях защиты прав и законных интересов истца, а также в других случаях, предусмотренных законом, выйти за пределы заявленных им требований.

25. Обратит внимание судов, что в порядке заочного производства дело может быть рассмотрено лишь при наличии всех обстоятельств, указанных в части первой статьи 280 ГПК.

В случае повторной неявки надлежало извещенного о времени и месте судебного заседания ответчика, суд рассматривает дело в порядке заочного производства независимо от мнения истца.

Если ответчик явился в судебное заседание, но до

его окончания самовольно покинул зал судебного заседания, либо не явился без уважительных причин после объявленного по делу перерыва, суд может продолжить разбирательство дела. Принятое в таком заседании решение не считается заочным.

Определение об отказе в отмене заочного решения обжалованию (опротестованию) не подлежит, поскольку, в таком случае заочное решение может быть обжаловано (опротестовано) в порядке, предусмотренном главой 43 ГПК.

26. Строгое соблюдение требований статей 277, 278 ГПК, регламентирующих содержание и порядок составления протокола судебного заседания, является важным условием обеспечения своевременного представления замечаний на протокол и обжалования судебных актов.

27. В связи с принятием настоящего постановления, а также изменениями, внесенными в законодательство, признать утратившим силу постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 19 декабря 2003 года № 19 "О применении судами некоторых норм гражданского процессуального законодательства" (с изменениями и дополнениями, внесенными постановлениями Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 15 мая 2008 года № 14, 14 мая 2010 года № 5, 13 ноября 2015 года № 18 и от 29 июля 2016 года № 13).

**Председатель Верховного суда  
Республики Узбекистан**

**К. КАМИЛОВ**

**Секретарь Пленума,  
судья Верховного суда**

**И. АЛИМОВ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ  
Қ А Р О Р И

2018 йил 19 май

№ 15

Тошкент шаҳри

**Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция  
суди томонидан процессуал қонун нормаларини  
қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси қабул қилинганлиги, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан, шунингдек қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Судларнинг эътибори маъмурий суд ишларини юритиш бўйича процессуал қонун нормаларида белгиланган тартибга қатъий риоя этиш, ишларни кўриб чиқиш сифатини яхшилаш, ҳар бир иш бўйича қонуний ва асосланган қарор қабул қилиш зарурлигига қаратилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади) 40-моддасига мувофиқ маъмурий суд ишларини юритишда тарафлар бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

аризачилар — ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида талаб тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб талаб тақдим этилган фуқаролар ва юридик шахслар;

жавобгарлар — муайян талаб қаратилган маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари.

Маъмурий органлар деганда, давлат бошқаруви органлари, шунингдек, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар тушунилади (МСИЮТК 27-моддаси биринчи қисмининг 2-банди).

3. Маъмурий судга маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, низолар бўйича ишлар, жумладан куйидаги ишлар тааллуқли:

маъмурий органларнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари юзасидан низола-

шиш тўғрисидаги;

маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузadиган қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузadиган, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

нотариуснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шико-

ят қилиш тўғрисидаги ишлар.

Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқса-да, қонунда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий ва ҳарбий судга тааллуқлилиги белгиланган низола бўйича ишлар маъмурий судга тааллуқли эмас.

Агар ариза маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ёки унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ғайриқонуний деб топиш тўғрисида берилган ёхуд ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига тааллуқли эмас.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим (МСИЮТК 26-моддасининг тўртинчи қисми).

4. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, давлат органлари ва улар мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ қабул қиладиган қарорлари ёки амалга оширадиган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар маъмурий судга тааллуқли эмас. Бундай ариза (шикоят) тақдим этилган ҳолда, судья МСИЮТК 133-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ уни қабул қилишни рад этади. Агар ариза (шикоят) иш юритишга қабул қилинган бўлса, МСИЮТК 108-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан иш юритиш тугатилади.

5. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, МСИЮТК 36-моддасига кўра, судда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқатига фақат юридик шахслар эгадирлар. Шу сабабли, агар юридик шахс ишончномаси мавжуд бўлмаса, суд юридик шахс алоҳида бўлинмаси (филиали, ваколатхонаси) аризасини (шикоятини) қабул қилишга ҳақли эмас. Бундай ариза (шикоят) МСИЮТК 134-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ қайтарилши, агар у иш юритишга қабул қилинган бўлса, мазкур Кодекс 105-моддасининг 2-бандига мувофиқ кўрмасдан қолдирилши керак.

Маъмурий орган ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг

ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашишда, жавобгар сифатида аризада (шикоятда) ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган тегишли юридик шахс ва мансабдор шахснинг ўзи кўрсатилади.

6. Суд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишни ҳал этишда уни давлат рўйхатидан ўтказган орган — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини жавобгар сифатида жалб қилиши лозим.

7. Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга ёхуд иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Бундай ҳолларда ариза (шикоят) МСИЮТК 134-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мувофиқ қайтарилши, агар иш юритишга қабул қилинган бўлса, талабнинг маъмурий судга тегишли бўлмаган қисми бўйича иш юритиш тугатилши лозим (МСИЮТК 108-моддасининг 1-банди).

8. МСИЮТК 128-моддаси биринчи қисмининг мазмунига кўра, юридик шахс номидан ариза (шикоят) унинг раҳбари ёки вакили томонидан имзоланиши керак. Бунда имзо механик ёки бошқа нусха кўчириш воситалари орқали амалга оширилишига йўл қўйилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Якка тартибда бошқариладиган ижро органи раҳбари вази фасини бажарувчи шахс аризани (шикоятни) имзолашга ҳақли, бироқ бунда аризага (шикоятга) унинг мақомини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган бўлиши лозим.

Агар ташкилот ҳайъат томонидан бошқарилса, шахсда аризани (шикоятни) имзолаш ваколати борлигини тасдиқловчи ҳужжат) илова қилиниши керак.

Тугатилаётган ташкилот номидан ариза (шикоят) тугатиш комиссияси раиси томонидан имзоланади.

9. Аризачи битта аризада (шикоятда) ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга ҳақли. Агар талаблар ўзаро боғлиқ бўлмаса, суд МСИЮТК 134-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига кўра, аризани (шикоятни) қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради. Агар ариза (шикоят) иш юритишга қабул қилинган бўлса, суд МСИЮТК 138-моддасига мувофиқ ушбу талабларни алоҳида ажратиш йўли билан кўради.

10. Судлар шуни назарда тутишлари керакки, МСИЮТК 134-моддасининг биринчи

қисмида назарда тутилган аризани (шикоятни) қайтариш асослари рўйхати кенгайтирилган тарзда талқин этилишига йўл қўйилмайди.

Агар ариза (шикоят) иш юритишга қабул қилинганидан кейин уни МСИЮТК 134-моддаси биринчи қисмининг 3 ва 4-бандлари бўйича қайтариш учун асослар мавжудлиги аниқланса, суд тегишинча аризани (шикоятни) кўрмасдан қолдиради (МСИЮТК 105-моддасининг 2-банди), ишни бошқа маъмурий судга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради (МСИЮТК 34-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди).

11. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари палата аъзоси манфаатларини кўзлаб берган аризага (шикоятга) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик фаолияти субъекти ўртасида тузилган аъзолик тўғрисидаги шартнома илова қилиниши лозим. Мазкур талабга риоя қилинмаганда, ариза (шикоят) МСИЮТК 134-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан қайтарилади, бу ҳолат ариза (шикоят) иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, ариза (шикоят) кўрмасдан қолдирилади (МСИЮТК 105-моддасининг 2-банди).

12. Судларга тушунтирилсинки, процессуал қонунда ишни маъмурий суд томонидан фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга ўтказишни назарда тутувчи норма мавжуд эмас. Шу сабабли, агар низо маъмурий судга тааллуқли бўлмаса, аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш рад қилиниши, агар у иш юритишга қабул қилинган бўлса, иш юритиш тугатилиши лозим.

13. Аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этиш асослари МСИЮТК 133-моддасида назарда тутилган ва кенгайтирилган тарзда талқин қилиниши мумкин эмас. Агар аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этиш асослари ариза (шикоят) иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, иш юритиш МСИЮТК 108-моддасига асосан тугатилади.

14. Судлар шуни назарда тутишлари керакки, маъмурий иш қўзғатилгунга қадар суд далилларни таъминлаш чораларини кўришга (МСИЮТК 89-моддаси), суд топшириқлари беришга (МСИЮТК 90-моддаси) ва дастлабки ҳимоя чораларини қўллашга (МСИЮТК 94-моддаси) ҳақли эмас.

Аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш масаласи судья томонидан яқка тартибда ҳал этилади.

15. Шуни назарда тутиш лозимки, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш унинг ўз вақти-

да, ҳар томонлама ва тўғри кўриб чиқилишини ва ҳал қилинишини таъминловчи муҳим босқич ҳисобланади.

Ишни суд муҳокамасига ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш судга қуйидаги имкониятларни беради:

тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни ҳал этишда қўлланилиши лозим бўлган қонунни аниқлаш;

тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи фактларни ҳамда низо тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бошқа фактларни аниқлаш;

суд муҳокамасига ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш мақсадида, ишни ҳал этиш учун зарур далиллар доирасини аниқлаш;

тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан зарур далиллар тақдим этилишини таъминлаш;

ишда иштирок этиши эҳтимол бўлган шахслар таркиби масаласини ҳал этиш;

дастлабки ҳимоя ва далилларни таъминлаш чораларини қўллаш масаласини ҳал этиш.

МСИЮТК 140-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳаракатлари рўйхати тугал бўлмай, судья ишнинг тўғри ва ўз вақтида ҳал этилишини таъминлашга қаратилган бошқа ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида чиқарилган ажрим ва уни кўришга тайёрлаш билан боғлиқ бошқа ажримлар ишнинг кейинги ҳаракатига тўсқинлик қилмайди ва унинг устидан шикоят берилмайди.

16. Суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши ҳақида ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги суд ажримида кўрсатилиши лозим бўлиб, у ишда иштирок этувчи шахслар ҳамда бундай мажлисни ўтказишга кўмаклашувчи судга юборилади.

17. Суд ишда иштирок этувчи шахсларни суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида МСИЮТК 124-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилади.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар судга келмаганда, бунинг сабаблари ва ишнинг хусусиятларини инобатга олиб, ишни унинг иштирокисиз кўриш имконияти тўғрисидаги масала ҳар бир ҳолда муҳокама қилиниши лозим.

18. МСИЮТК 93-моддасида кўрсатилган дастлабки ҳимоя чоралари, агар уларни қўлламаслик аризаچининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини қий-

инлаштирса ёки бунга имкон бермаса, иш юретишнинг ҳар қандай босқичида қабул қилиниши мумкин.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, аризани рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар ҳам, МСИЮТК 98-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган тартибга риоя этган ҳолда, дастлабки ҳимоя чораларини бекор қилишга ҳақли.

19. Аризачи МСИЮТК 136-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ариза (шикоят) асосини ёки предметини ўзгартириш ҳуқуқидан биринчи инстанция судида ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар фойдаланиши мумкин. Бу норма иш бошқа инстанцияларда кўрилатганда қўлланилмайди.

Ариза (шикоят) предмети ўзгартирилиши аризачининг жавобгарга нисбатан моддий-ҳуқуқий талаблари ўзгартирилганлигини билдиради.

Аризанинг (шикоятнинг) асоси ва предмети бир вақтда ўзгартирилишига йўл қўйилмайди (МСИЮТК 136-моддасининг учинчи қисми).

20. МСИЮТК 58-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ судда юридик шахсларнинг ишларини қонун ҳужжатлари ёки таъсис ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида уларнинг органлари олиб боради.

Юридик шахсларнинг вакиллари судда уларга берилган ишончномада кўрсатилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Вакилга берилган ишончномада унинг МСИЮТК 62-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ваколатлари махсус кўрсатилган бўлиши керак. Агар вакилга берилган ишончномада бундай ваколатлар кўрсатилмаган бўлса, вакил ушбу қонун нормасида назарда тутилган процессуал ҳаракатлардан бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли.

21. Адвокатлик тузилмаси (бюроси, фирмаси) томонидан берилган ордер адвокатга ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахс манфаатларида фақат МСИЮТК 62-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини беради. Адвокатнинг мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш ваколати унга ваколат берувчи берган ишончномада кўрсатилган бўлиши лозим.

22. Судларга тушунтирилсинки, иш юретишни тугатиш институти низо мазмуни юзасидан ҳал қилув қарори чиқармасдан туриб иш кўришни тамомлаш шаклларида бири ҳисобланади. МСИЮТК 108-моддасида назар-

да тутилган иш юретишни тугатиш асослари рўйхати тугал ҳисобланади ва кенгайтирилган тарзда талқин қилиниши мумкин эмас.

23. МСИЮТК 105-моддасида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда, суд аризани (шикоятни) кўрмасдан қолдиради ва бу ҳақда ажрим чиқаради. МСИЮТК 106-моддасига мувофиқ чиқарилган ажримда ишни кўриш учун тўсқинлик қилаётган ва аризани кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатларни бар-тараф этиш йўллари тушунтирилиши лозим.

24. Агар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган аризачи суд мажлисида келмаса ва ишнинг иштирокисиз кўришга розилик берган бўлмаса, бундай ҳолда ариза (шикоят) МСИЮТК 105-моддасининг 3-бандига мувофиқ кўрмасдан қолдирилади.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, агар аризачи биринчи суд мажлисида иштирок этиб, суднинг кейинги мажлисларида иштирок этмаса, ушбу асослар бўйича аризани (шикоятни) кўрмасдан қолдириш мумкин эмас.

25. Судларга тушунтирилсинки, МСИЮТК 20-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аризани (шикоятни) кўрмасдан қолдириш ва аризани (шикоятни) қайтариш тўғрисидаги ажримлар бекор қилинган ҳолларга татбиқ этилмайди.

26. Судларга аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида, суд ҳужжати эълон қилингандан кейин унинг мазмунини ва суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган асосларни тушунтириб бериш тавсия этилсин.

27. Ишларни кўришда судлар маъмурий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида низолар келиб чиқишига имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлашга эътибор қаратиш лозим.

Ишларни кўришда давлат ёки бошқа орган, юридик шахс, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилиши аниқланган ҳолларда, улар ишда иштирок этишидан қатъи назар, суд хусусий ажрим чиқаришга ҳақли. Уларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланганда эса, суд бу ҳақда жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда прокурорга хабар беради.

Хусусий ажрим суд мажлисида эълон қилинади ва баённомада акс эттирилади.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий суди раиси**

**К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,**

**Олий суди судьяси**

**И. АЛИМОВ**



## ПОСТАНОВЛЕНИЕ

ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

19 мая 2018 года

№ 15

город Ташкент

## О некоторых вопросах применения судом первой инстанции норм процессуального законодательства при рассмотрении административных дел

В связи с принятием Кодекса Республики Узбекистан об административном судопроизводстве, вопросами, возникающими в судебной практике, а также в целях обеспечения единообразного и правильного применения норм закона судом первой инстанции, руководствуясь статьей 17 Закона Республики Узбекистан "О судах", Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

## ПОСТАНОВЛЯЕТ:

1. Обратить внимание судов на необходимость строгого соблюдения установленного нормами процессуального законодательства порядка судопроизводства по административным делам, улучшения качества их рассмотрения, вынесения по каждому делу законного и обоснованного решения.

2. В соответствии со статьей 40 Кодекса Республики Узбекистан об административном судопроизводстве (далее — КоАС) сторонами в административном судопроизводстве являются:

заявители — граждане и юридические лица, предъявившие требование в защиту своих прав и охраняемых законом интересов или в интересах которых заявлено требование;

ответчики — административные органы, органы самоуправления граждан, их должностные лица, к которым предъявлено определенное требование.

Под административными органами понимаются органы государственного управ-

ления, а также другие организации, уполномоченные на осуществление административно-правовых функций (пункт 2 части первой статьи 27 КоАС).

3. Административному суду подведомственны дела по спорам, вытекающим из административных и иных публичных правоотношений, в частности дела:

об оспаривании ведомственных нормативно-правовых актов административных органов;

об оспаривании решений административных органов, органов самоуправления граждан, не соответствующих законодательству и нарушающих права и охраняемые законом интересы граждан или юридических лиц;

об оспаривании действий (бездействия) должностных лиц административных органов, органов самоуправления граждан, не соответствующих законодательству и нарушающих права и охраняемые законом интересы граждан или юридических лиц;

об оспаривании действий

(решений) избирательных комиссий;

об оспаривании отказа в совершении нотариального действия;

об оспаривании действий (бездействия) нотариуса;

об оспаривании отказа в регистрации актов гражданского состояния;

об оспаривании действий (бездействия) должностного лица органа записи актов гражданского состояния;

об обжаловании отказа в государственной регистрации либо уклонения от государственной регистрации в установленный срок.

Административному суду не подведомственны дела по спорам, хотя вытекающим из административных и иных публичных правоотношений, но отнесенных законом к подведомственности Конституционного суда Республики Узбекистан, суда по гражданским делам, экономического и военного суда.

Если заявление подано о признании недействительным акта предприятия, организации, учреждения, не яв-



ляющегося административным органом, или неправомерным действия (бездействие) его должностного лица, либо заявление (жалоба) подано в отношении административного органа, однако обжалуемое действие возникает из трудовых отношений, такое требование не подсудно административному суду.

При объединении нескольких связанных между собой требований, из которых одни подведомственны административному суду, а другие — суду по гражданским делам, все требования подлежат рассмотрению в суде по гражданским делам (часть четвертая статьи 26 КоАС).

4. Судам необходимо иметь в виду, что дела об обжаловании решений, действий (бездействие) государственных органов и их должностных лиц, принимаемых либо совершаемых в соответствии с Кодексом Республики Узбекистан об административных правонарушениях, Уголовно-процессуальным кодексом Республики Узбекистан, не подведомственны административному суду. В случае предъявления такого заявления (жалобы) судья отказывает в его принятии в соответствии с пунктом 1 части первой статьи 133 КоАС. Если заявление (жалоба) принято к производству, то дело прекращается производством согласно пункта 1 части первой статьи 108 КоАС.

5. Судам необходимо иметь в виду, что согласно статье 36 КоАС способность осуществлять свои права и обязанности в суде обладают лишь юридические лица. В связи с этим, суд не вправе принять заявление (жалобу) обособленного подразде-

ления (филиала, представительства) юридического лица, если отсутствует доверенность от юридического лица. Такое заявление (жалоба) подлежит возврату в соответствии с пунктом 3 части первой статьи 134 КоАС, а если оно принято к производству

- оставлению без рассмотрения в соответствии пунктом 2 статьи 105 данного Кодекса.

При обжаловании действий (бездействие) должностного лица административного органа или органа самоуправления граждан в заявлении в качестве ответчика указывается соответствующее юридическое лицо, действия (бездействие) должностного лица которого обжалуется, и само должностное лицо.

6. При разрешении дела об оспаривании ведомственного нормативно-правового акта суду необходимо привлечь в качестве ответчика Министерство юстиции Республики Узбекистан — орган, осуществивший его государственную регистрацию.

7. Не допускается объединение нескольких связанных между собой требований, из которых одни подведомственны административному суду, а другие суду по гражданским делам либо экономическому суду.

В таких случаях в соответствии с пунктом 2 части первой статьи 134 КоАС заявление (жалоба) подлежит возврату, а если принято к производству, оно в части требования, не подведомственного административному суду, — прекращению производством (пункт 1 статьи 108 КоАС).

8. По смыслу части первой статьи 128 КоАС заявление (жалоба) от имени юриди-

ческого лица должно быть подписано его руководителем или представителем. При этом учинение подписи с помощью средств механического или иного копирования не допускается, за исключением случаев, предусмотренных законом.

Исполняющий обязанности руководителя единоличного исполнительного органа вправе подписать заявление (жалобу), но при этом к заявлению (жалобе) должно быть приложены документы, подтверждающие его статус.

Если организация управляется коллегиально, то к заявлению (жалобе) должен быть приложен документ, подтверждающий полномочия лица на его подписание.

От имени ликвидируемой организации заявление подписывается председателем ликвидационной комиссии.

9. Заявитель вправе соединить в одном заявлении (жалобе) несколько связанных между собой требований. Если требования не связаны между собой, суд выносит определение о возвращении заявления (жалобы) согласно пункту 7 части первой статьи 134 КоАС. Если заявление (жалоба) принято к производству, суд в соответствии со статьей 138 КоАС рассматривает эти требования путем выделения их в отдельное производство.

10. Судам следует иметь в виду, что предусмотренный в части первой статьи 134 КоАС перечень оснований возвращения заявления (жалобы) расширительному толкованию не подлежит.

Если после принятия заявления (жалобы) к производству выявляются основания для его возвращения по пунктам 3 и 4 части первой статьи 134 КоАС, суд соответственно оставляет за-

явление (жалобу) без рассмотрения (пункт 2 статьи 105 КоАС), выносит определение о передаче дела на рассмотрение другого административного суда (пункт 1 части второй статьи 34 КоАС).

11. К заявлению (жалобе) Торгово-промышленной палаты Республики Узбекистан и ее территориальных управлений, поданному в интересах члена палаты, должен быть приложен договор о членстве, заключенный между субъектом предпринимательской деятельности и Торгово-промышленной палатой Республики Узбекистан. При несоблюдении данного требования заявление (жалоба) подлежит возврату на основании пункта 3 части первой статьи 134 КоАС, а при установлении данного обстоятельства после принятия заявления (жалобы) — оставлению без рассмотрения (пункт 2 статьи 105 КоАС).

12. Разъяснить судам, что в процессуальном законе отсутствует норма, предусматривающая передачу административным судом дела в суд по гражданским делам или экономический суд. В связи с этим, в случае неподсудности спора административному суду, следует отказать в принятии заявления (жалобы) к производству, если оно принято к производству, то прекратить производство по делу.

13. Основания отказа в принятии заявления (жалобы) предусмотрены в статье 133 КоАС и расширительно толкованию не подлежат. В случае, если основания для отказа в принятии заявления (жалобы) выявлены после принятия заявления (жалобы) к производству, производство по делу подлежит прекращению на основа-

нии статьи 108 КоАС.

14. Судам следует иметь в виду, что до возбуждения административного дела суд не вправе принимать меры по обеспечению доказательств (статья 89 КоАС), направлять судебные поручения (статья 90 КоАС) и принимать меры предварительной защиты (статья 94 КоАС).

Вопрос о принятии заявления (жалобы) к производству и возбуждению дела разрешается судьей единолично.

15. Следует иметь в виду, что подготовка дела к судебному разбирательству является важной стадией процесса, обеспечивающей своевременное, всестороннее и правильное его рассмотрение и разрешение.

Своевременная и качественная подготовка дела к судебному разбирательству даёт суду следующие возможности:

определить правоотношения сторон и закон, которым следует руководствоваться при разрешении дела;

уточнить факты, обосновывающие требования и возражения сторон, а также иные факты, имеющие значение для правильного разрешения спора;

определить круг доказательств, необходимых для разрешения дела, с целью обеспечения их своевременного представления к судебному разбирательству;

обеспечить представление необходимых доказательств сторонами, другими лицами, участвующими в деле;

разрешить вопрос о возможном составе лиц, участвующих в деле;

разрешить вопрос о принятии мер предварительной защиты и обеспечении доказательств.

В соответствии с частью

второй статьи 140 КоАС перечень действий по подготовке дела к судебному разбирательству не является исчерпывающим, судья может совершать и другие действия, направленные на обеспечение правильного и своевременного разрешения спора.

Определение о подготовке дела к судебному разбирательству и другие определения, вынесенные в связи с его подготовкой, не исключают возможность дальнейшего движения дела и обжалованию не подлежат.

16. О проведении судебного заседания в режиме видеоконференцсвязи должно быть указано в определении суда о подготовке дела к судебному разбирательству, которое направляется лицам, участвующим в деле и суду, при содействии которого может быть проведено такое заседание.

17. Суд извещает лиц, участвующих в деле, о времени и месте судебного разбирательства в порядке, предусмотренном в статье 124 КоАС.

При неявке в суд ответчика, извещенного в установленном порядке о времени и месте судебного разбирательства, в каждом случае подлежит обсуждению вопрос о возможности разбирательства дела без его участия, учитывая причины неявки и особенности дела.

18. Указанные в статье 93 КоАС меры предварительной защиты, если непринятие их затруднит или сделает невозможным защиту прав, свобод и законных интересов заявителя, могут быть приняты на любой стадии судопроизводства.

По ходатайству лиц, участвующих в деле, суд вправе отменить меры предвари-

тельной защиты и до вступления в законную силу решения об отказе в требовании, с соблюдением порядка, предусмотренного в части второй статьи 98 КоАС.

19. Право заявителя изменить основание или предмет заявления (жалобы), предусмотренное частью первой статьи 136 КоАС, может быть использовано в суде первой инстанции до принятия решения. Эта норма не применяется при рассмотрении дела в других инстанциях.

Изменение предмета заявления (жалобы), означает изменение материально-правового требования заявителя к ответчику.

Одновременное изменение основания и предмета заявления (жалобы) не допускается (часть третья статьи 136 КоАС).

20. В соответствии с частью первой статьи 58 КоАС дела юридических лиц в суде ведут их органы в пределах полномочий, предоставленных им законодательством или учредительными документами.

Представители юридических лиц ведут дела в суде в пределах полномочий, указанных в выданной им доверенности. В доверенности представителя должны быть специально оговорены его полномочия на совершение действий, предусмотренных в части второй статьи 62 КоАС. Если в выданной представителю доверенности не указаны такие полномочия, то представитель вправе совершать процессуальные действия, кроме тех, которые предусмотрены в указанной норме закона.

21. Выданный адвокатским формированием (бюро, фирмой) ордер предоставляет адвокату лишь право на совершение в интересах лица,

обратившегося за юридической помощью, действий, предусмотренных в части первой статьи 62 КоАС. Полномочия адвоката на совершение процессуальных действий, предусмотренных в части второй данной статьи должны быть оговорены в доверенности, выданной ему представляемым.

22. Разъяснить судам, что институт прекращения производства по делу является одной из форм окончания рассмотрения дела без вынесения решения по существу спора. Перечень оснований прекращения производства по делу, предусмотренный в статье 108 КоАС, является исчерпывающим и не подлежит расширительному толкованию.

23. При установлении обстоятельств, предусмотренных статьей 105 КоАС, суд оставляет заявление (жалобу) без рассмотрения, о чем выносит определение. В определении, выносимом в соответствии со статьей 106 КоАС, следует разъяснять пути устранения обстоятельств, препятствующих рассмотрению дела и послуживших основанием для оставления заявления без рассмотрения.

24. Если заявитель, извещенный о времени и месте судебного заседания в установленном порядке, не явился на заседание суда и не заявил о согласии на рассмотрение дела без его участия, то в соответствии с пунктом 3 статьи 105 КоАС заявление (жалоба) оставляется без рассмотрения.

Судам следует иметь в

виду, что, если заявитель участвовал на первом судебном заседании, а в последующих заседаниях не участвовал, заявление (жалоба) не может быть оставлено без рассмотрения.

25. Разъяснить судам, что правила, предусмотренные в части первой статьи 20 КоАС, не распространяются на случаи отмены определений об оставлении заявления (жалобы) без рассмотрения и возвращении заявления (жалобы).

26. В целях повышения правосознания граждан рекомендовать судам после объявления судебного акта разъяснять его суть и основания, послужившие принятию судебного акта.

27. При рассмотрении дел судам необходимо уделять внимание выявлению причин и условий, способствовавших возникновению споров в сфере из административных правовых отношений.

В случаях выявления при рассмотрении дела нарушения актов законодательства в деятельности государственного или иного органа, юридического лица, должностного лица или гражданина, суд вправе вынести частное определение независимо от их участия в деле. В случае обнаружения в их действиях признаков преступления, суд сообщает об этом прокурору для решения вопроса о возбуждении уголовного дела с приложением соответствующих материалов.

Частное определение оглашается в судебном заседании и фиксируется в протоколе.

**Председатель Верховного суда  
Республики Узбекистан**

**К. КАМИЛОВ**

**Секретарь Пленума,  
судья Верховного суда**

**И. АЛИМОВ**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

## Қ А Р О Р И

2018 йил 19 май

№ 16

Тошкент шаҳри

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

## Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

**1. "Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида" 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли қарори:**

**1.2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"1.2. Ҳарбий жиноятларнинг субъекти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари (Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлигининг қоровул қўшинлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг давлат чегарасини ҳимоя қилиш кўмитаси), Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий бўлинмалари ҳарбий хизматчилари, шунингдек, уларда ҳарбий йиғинларни ўтаётган шахслар бўлиши мумкин";

**7-бандидаги** "Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳарбий ҳайъати, Республика Ҳарбий суди" деган сўзлар "Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2. "Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида" 2002 йил 14 июндаги 9-сонли қарори:**

**1-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйи-

идаги таҳрирда баён этилсин:

"Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини (одамлараро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари, шаклланган ижтимоий турмуш тарзини) қўпол тарзда бузиш тушунилади. Жамоат тартиби қўпол тарзда бузилиши шахс томонидан ЖК 277-моддаси биринчи қисми диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлардан бирортаси содир этилишида ифодаланади";

**2-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Майда безорилик тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддасида берилган бўлиб, унинг мазмунига кўра, ушбу ҳуқуқбузарлик жамоат жойларида уятли сўзлар айтиш, беҳаё қилиқлар кўрсатиш, фуқароларга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталигини бошқача тарзда бузиш каби жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимасликда ифодаланади. Бунда Жиноят кодекси 277-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноий оқибатлар мавжуд бўлмаслиги керак. Гуруҳ томонидан содир этилган майда безориликни, башарти, ҳуқуқбузарларнинг

ҳаракатида Жиноят кодекси 277-моддасининг 1-қисми аломатлари бўлмаса, Жиноят кодекси 277-моддаси 2-қисмининг "б" банди билан квалификация қилиш мумкин эмас";

**6-банди** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

"Ожиз аҳвол деганда, жабрланувчининг шундай аҳволи тушунилиши керакки, бундай пайтда у ўзининг физиологик, жисмоний ёки руҳий ҳолати (жисмоний нуқсонни, руҳияти бузилганлиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳушлик ҳолати, алкоголь, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар таъсирида ўта мастлик ҳолати)га кўра ўзини ўзи ҳимоя қилиш, айбдорга фаол қаршилик кўрсатиш ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини тушуниш ёки ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятига эга бўлмайди";

**6-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари тегишинча бешинчи ва олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**11-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"11. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари шахсни айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, айблов далолатномаси ёки айблов хулосасида, суд эса айблов ҳукмида айнан қайси белгиларига кўра айбдорнинг қилмиши Жиноят кодекси 277-моддасининг тегишли қисми ва бандлари билан квалификация қилинганлигини кўрсатиши шарт.

Агар суд, судланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловни оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий ҳолатларга кўра айблов далолатномаси ёки айблов хулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш, бошқа шахсни айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш учун асослар мавжуд деган фикрга келса, Жиноят-процессуал кодексининг 416 ва 417-моддаларига мувофиқ қарор қабул қилади";

**14-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"14. Судлар безорилик жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларидан ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралда-

ги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарорида берилган тушунтиришлардан келиб чиқишлари лозим".

**3. "Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида" 2002 йил 25 октябрдаги 27-сонли қарори:**

**8-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Агар суд мажлиси давомида ярашув, айбга иқдор бўлиш ихтиёрий эмаслиги, зарарни қоплашдан бош тортиш, шунингдек содир этилган қилмишда оғирроқ жиноят таркиби белгилари мавжудлиги аниқлангудек бўлса, суд умумий қоидалар бўйича суриштирув ёки дастлабки тергов юритилиши учун ишни прокуратурага юбориш тўғрисида ажрим чиқаради".

**4. "Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида" 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли қарори:**

**10-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Шунинг учун, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, айблов далолатномасида, айблов хулосасида ва суд ҳукмида Жиноят-процессуал кодексининг 360, 361, 379, 381-12, 467-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқ баён этилиши керак";

**11-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Иш бўйича ҳимоячи сифатида қатнашиши мумкин бўлган шахслар тоифаси ЖПК 49-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида белгиланган. Улар жумласига, хусусан, адвокатлар ҳамда гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошларидан бири ёки қонуний вакиллари киради. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндоши ёки қонуний вакили иш бўйича ҳимоячи сифатида фақат адвокат билан бирга қатнашишига йўл қўйилади";

**14-бандининг тўққизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судида кўрилаётган ишларда, шунингдек ҳимоячидан воз кечиш тўғрисида ноилож-

ликдан (ҳимоячининг меҳнатига ҳақ тўлаш имкониятининг йўқлиги, иш бўйича ҳимоячининг ҳозир бўлмаслиги ва ҳ.к.) арз қилинган ҳолларда ҳам ҳимоячидан воз кечиш қабул қилинмаслиги мумкин”;

**16-бандининг иккинчи хатбошисидаги** “қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини” деган сўзлар “қамоққа олиш, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**27-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасида назарда тутилган ҳолларда апелляция, кассация, назорат инстанцияси суди мажлисида ҳимоячининг иштироки таъминланиши шарт.

Маҳкум ҳимоячидан воз кечган ҳолларда, агар бу суд томонидан ЖПК 52-моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда қабул қилинган бўлса, апелляция, кассация, назорат инстанцияси судида ишни ҳимоячи иштирокисиз кўришга йўл қўйилади”;

**31-бандининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ЖПК 50-моддасига асосан юридик ёрдам учун ҳақ тўлашдан оиласида ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган ялпи ойлик даромад ушбу масала кўрилаётган вақт учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир ярим бараваридан ортиқ бўлмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи озод қилинади. Ялпи ойлик даромад тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 2 декабрда 1878-сон билан рўйхатга олинган Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 26 ноябрдаги 8, 109-сонли қарори билан тасдиқланган Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандида белгиланган тартибда ҳал этилади”.

**5. “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2004 йил 21 майдаги 4-сонли қарори:**

**9-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ЖК 167, 168, 180, 181, 181-1, 184, 185-

2, 192-4, 192-11-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун — жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда”;

**15-бандининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Моддий жавобгарлик тури, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш усулини белгилашга оид масалаларни ҳал этишда Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарорида берилган тушунтиришлардан келиб чиқиш лозим”;

**19-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. Судлар шуни эътиборга олиши лозимки, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга оид ишлар бўйича моддий зарар қопланганлиги муносабати билан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг тайинланиши, маҳкум жаримани тўлашдан ёки мажбурий жамоат ишлари ёхуд ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, бу жазони яна озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазоси билан алмаштириш имкониятини истисно этмайди”.

**6. “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли қарори:**

**23-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“23. Суд ЖПК 415-417-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 97-моддаси биринчи қисмидан иккинчи қисмига ва иккинчи қисмининг бир бандидан бошқа бандига қайта квалификация қилишга ҳақли”.

**7. “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарори:**

**12-бандининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш тариқасидаги жазолар — ЖК 82, 83 ва 84-1-моддаларида назарда тутилган муддат ва миқдорлардан”;

**17-бандидан** кейин қуйидаги мазмун-

даги бўлим билан тўлдирилсин:

**"Мажбурий жамоат ишлари тарикаси-даги жазони қўллаш бўйича**

17-1. Мажбурий жамоат ишлари меҳнатга лаёқатли шахсга нисбатан у содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда уни жамиятдан ажратиш зарурати бўлмаганда, бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача (вояга етмаганларга нисбатан — олтмиш соатдан икки юз қирқ соатгача) бўлган муддатга тайинланади ва олти ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади.

Мажбурий жамоат ишлари, шунингдек ЖК 44-моддасининг учинчи қисми ва 82-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда илгари тайинланган жарима жазосини алмаштириш тартибида ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолда мажбурий жамоат ишларининг энг кам муддати тўланмаган жарима суммасидан келиб чиқиб, бир юз йигирма соатдан (вояга етмаганларга нисбатан — олтмиш соатдан) камроқ бўлиши мумкин, бироқ тўрт юз саксон соатдан (вояга етмаганларга нисбатан-икки юз қирқ соатдан) ошмаслиги лозим.

17-2. Қонунга кўра, мажбурий жамоат ишлари қўйидагиларга қўлланилмайди:

пенсия ёшига етган (60 ёшдан ошган эркаклар, 55 ёшдан ошган аёллар) шахсларга;

16 ёшга тўлмаган шахсларга;

меҳнатга қобилиятсиз (белгиланган тартибда биринчи, иккинчи гуруҳ ногирони деб топилган) шахсларга;

ҳомиладор ва уч ёшгача боласи бор аёлларга, шунингдек, уч ёшгача бўлган болани фарзандликка олган ёки унга нисбатан васий бўлган шахсларга;

ҳарбий хизматчиларга;

чет эл фуқароларига;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга.

17-3. Мажбурий жамоат ишлари, одатда, ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатдир.

Маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланади.

Мажбурий жамоат ишлари муддатларига оид масалани ҳал этишда судлар судланувчида иш ёки ўқиш жойи, доимий яшаш (айниқса вояга етмаганларда) жойи бор-йўқлигини аниқлашлари лозим.

Жиноят кодексининг бир неча моддаси бўйича мажбурий жамоат ишлари тайинланаётганда, жазо муддати ҳар бир модда бўйича алоҳида, сўнгра эса, уларнинг мажмуи бўйича белгиланади. Бунда жазонинг узил-кесил муддати ЖК 45-1-моддасида белгиланган чегарадан ошиши мумкин эмас.

17-4. Қонун мазмунига кўра, (ЖК 45-1-моддасининг бешинчи қисми) тайинланган мажбурий жамоат ишлари муддатини ўташдан бўйин товлаганда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо билан алмаштиради.

17-5. Мажбурий жамоат ишларини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазога алмаштириш масаласини ҳал қилишда, суд, мажбурий жамоат ишлари ижросини амалга оширувчи орган томонидан ушбу жазо ижросини таъминлаш бўйича чоралар кўрилганлиги, маҳкум қонун талабига мувофиқ жазони ўташдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги ҳақида берилган маълумотларга эга бўлиши лозим.

Агар тақдим этилган ҳужжатларда бундай маълумотлар мавжуд бўлмаса, судья тегишли текшириш ўтказиш учун ҳужжатларни ушбу жазо ижросини амалга оширувчи органга юбориш ҳақида ажрим чиқаради.

17-6. ЖПК 541, 542-моддаларига мувофиқ мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган қисмини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш ҳақидаги ишлар суд мажлисида, одатда, маҳкум иштирокида кўрилиши лозим. Бу масала маҳкум яшириниб юрганлиги ёки судга келишдан бўйин товлаётганлиги тўғрисида ишончли маълумотлар ишда мавжуд бўлган ҳолдагина унинг иштирокисиз ҳал этилиши мумкин.

Агар мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган қисмини озодликдан маҳрум

қилиш жазоси билан алмаштириш ҳақидаги материални кўриш вақтида ЖПК 533-моддасида кўрсатилган ҳолатлар аниқланса, суд ҳукмининг ижросини кечиктириш масаласини муҳокама қилиши шарт”;

**21-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги мазмунда баён этилсин:

“Вояга етмаган шахс тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ушбу жазонинг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар уч кунини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради (ЖК 83-моддасининг иккинчи қисми)”;

**“Қамоқ тариқасидаги жазони қўллаш бўйича” бўлими** чиқариб ташлансин;

**25-1-бандининг учинчи хатбошисидаги** “Озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга” деган сўзлар “Озодликни чеклаш бир ойдан беш йилгача муддатга” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**27-бандининг иккинчи хатбошисидаги** “олти ойдан йигирма йилгача бўлган муддатга” деган сўзлар “бир ойдан йигирма йилгача бўлган муддатга” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**27-банди** қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“ЖК 45-1-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони алмаштириш тартибида, — бир ойдан камроқ муддатга тайинланиши мумкин;”;

**27-бандининг бешинчи ва олтинчи хатбошилари тегишинча олтинчи ва еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**27-бандининг олтинчи хатбошисидаги** “олти ойдан камроқ муддатга” деган сўзлар “бир ойдан камроқ муддатга” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**38-бандидаги** “жумладан, жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш каби жазолар ЖК 44-49-моддаларига риоя қилинган ҳолда тайинланиши мумкин” деган сўзлар “жумладан, жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни

чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш каби жазолар ЖК 44-49-моддаларига риоя қилинган ҳолда тайинланиши мумкин” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**48-банди** қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Шуни назарда тутиш лозимки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланишига йўл қўйилмайди, одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар бундан мустасно (ЖК 45-моддаси бешинчи қисми)”;

**58-бандининг учинчи хатбошисидаги** “қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўташ муддатининг бошланиши” деган сўзлар “тайинланган озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддатининг бошланиши” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**61-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди:”.

**8. “Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2006 йил 22 декабрдаги 16-сонли қарори:**

**24-бандининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ЖК 77-моддаси, ЖИК 5-моддасига мувофиқ қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс жазо ўтовчи ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳам унинг ҳукм қонуний кучга киргунга қадар намоён этган хулқ-атвори уни жазони ўташ тартибини муттасил бузувчи деб топиш масаласи ҳал этилаётган пайтда инobatга олинishi мумкин эмас. Ушбу қоида суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаётган вақтда янги жиноят содир этганлиги учун эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган шахсга нисбатан татбиқ этилмайди”;

**30-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“30. Агар суд амнистия актини қўлланилиши мумкин бўлмаган маҳкумга нисбатан қўллаган бўлса, апелляция, кас-



сация инстанцияси жабрланувчининг шикоятлари ёки прокурор протести бўлган тақдирда, ҳукмнинг жазо тайинлаш қисмини бекор қилиб, қонунга мувофиқ қарор қабул қилади.

Бироқ, агар апелляция, кассация, назорат инстанцияси амнистия акти қўлланилган ҳолда ҳукмда тайинланган жазо амнистия акти қўлланилмаган ҳолда ҳам маҳкум учун етарли деб топса, ҳукми ўзгартиришга — ундан амнистия актини қўллаш ҳақидаги ҳулоса ва қарорни чиқариб, амнистия акти қўлланилган ҳолда ҳукмда белгиланган муддат (миқдор) доирасида жазо тайинлашга ҳақли.

Шуни эътиборга олиш лозимки, ЖПК 500, 513-моддаларида белгиланган бир йиллик муддат амнистия акти қўлланилиши мумкин бўлмаган маҳкумга нисбатан асоссиз қўлланилган ҳолларга ҳам тааллуқлидир. Бундай ҳолларда юқори инстанция суди ҳукми ўзгартиришга — ундан амнистия актини қўллаш ҳақидаги ҳулоса ва қарорни чиқариб, ҳукмда амнистия акти қўлланилган ҳолда тайинланган жазони қолдиришга ҳақли".

**9. "Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида" 2007 йил 14 ноябрдаги 16-сонли қарори:**

**2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"2. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонунга кўра, судларнинг ваколатига нафақат ишни судга қадар юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш юзасидан қарор қабул қилиш, балки ЖПК 243-моддаси ўнинчи қисми 2-1-бандида назарда тутилган ҳолларда, бошқа эҳтиёт чорасини қўллаш ҳуқуқи ҳам киради";

**4-бандининг иккинчи-олтинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Айбланувчи, судланувчи тергов ва суддан яширинган;

ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаган;

илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи томонидан бузилган; ушлаб турилган гумон қилинувчи, айбланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган;

жиноят озодликдан маҳрум қилиш тари-

қасидаги жазони ўташ даврида содир этилган ҳолларда қўлланилиши мумкин";

**6-бандининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ушлаб туриш вақти ЖПК 226-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошлаб ҳисобланиши керак";

**8-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"8. Прокурор, шунингдек прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи, терговчи жиноят иши бўйича ЖПК 236, 242-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда, гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли";

**9-бандининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Илтимоснома ва материаллар судга ушлаб туриш муддати тугашидан камидан саккиз соат олдин тақдим этилади. Материалга қўшилган ҳужжатлар нусхаси суриштирувчи ёки прокурор томонидан тасдиқланган ва муҳр қўйилган бўлиши зарур";

**11-бандининг биринчи хатбошисидаги** "жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг" деган сўзлар "жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**12-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома материал келиб тушган пайтдан эътиборан саккиз соат ичида, лекин ЖПК 226-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ушлаб туриш муддати охиридан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ушлаб туриш тариқасидаги процессуал мажбурият чораси қўлланилмаган айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома ҳам саккиз соат ичида кўриб чиқилиши лозим";

**13-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Қонунга кўра, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, гумон қилинувчи ёки

**в пункте 20** слова "Верховному суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам" заменить словами "Суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам".

**13. От 29 октября 2010 года № 13 "О судебной практике по делам об изнасиловании и удовлетворении половой потребности в противоестественной форме":**

**в пункте 19** слова "Верховному суду Республики Каракалпакстан по уголов-

ным делам" заменить словами "Суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам".

**14. От 11 февраля 2011 года № 1 "О некоторых вопросах судебной практики по делам о легализации доходов, полученных от преступной деятельности":**

в пункте 10 слова "Верховному суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам" заменить словами "Суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам".

**15. От 25 ноября 2011 года № 9 "О судебной практике по делам о нарушении порядка пересечения Государственной границы Республики Узбекистан":**

абзац второй пункта 12 изложить в следующей редакции:

"Невыполнение органами предварительного следствия и судами требований уголовно процессуального закона влечет разрешению дела, исходя из требований статей 416 и 417 УПК";

в пункте 14 слова "Верховному суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам" заменить словами "Суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам".

**16. От 13 декабря 2012 года № 17 "О некоторых вопросах применения законодательства о вещественных доказательствах по уголовным делам":**

абзац третий пункта 2 изложить в следующей редакции:

"а) орудие преступления — признанные вещественными доказательствами предметы, специально предназначенные, изготовленные или приспособленные для подго-

товки или совершения преступления, а также имущество, предметы (например, орудия убийства, предметы, посредством которых совершено хищение или завладение ценностями, огнестрельное оружие, орудия браконьерства — капканы, сети, фальшивый документ и т.п.), а также имущество (например, транспортные средства), использованное непосредственно в процессе совершения преступления для достижения преступной цели";

абзац третий пункта 9 изложить в следующей редакции:

"1) орудия преступления, принадлежащие подозреваемому, обвиняемому, подсудимому, осужденному, подлежат конфискации и передаются в соответствующие учреждения или уничтожаются. Имущество, не принадлежащее подозреваемому, обвиняемому, подсудимому, осужденному, возвращается законным владельцам, собственникам или их правопреемникам, а равно наследникам. В случае не выявления законных владельцев, собственников или их правопреемников, а равно наследников имущества, не принадлежащего подозреваемому, обвиняемому, подсудимому, осужденному, данное имущество обращается в доход государства";

в пункте 12 слова "Верховному суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам" заменить словами "Суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам".

**17. От 31 мая 2013 года № 8 "О применении судами законодательства об ответственности за уклонение от уплаты налогов и других обязательных**

**платежей":**

пункт 3 изложить в следующей редакции:

"3. Диспозиция части 1 статьи 174 КоАО, части 1 статьи 184 УК является бланкетной, поэтому для выяснения содержания понятий "доходы", "прибыль", "объекты налогообложения", "налоги", "другие обязательные платежи" следует исходить из норм Налогового кодекса Республики Узбекистан (далее по тексту — НК), действовавшего на момент совершения деяния.

Согласно части второй статьи 23 НК к налогам относятся:

- 1) налог на прибыль юридических лиц;
- 2) налог на доходы физических лиц;
- 3) налог на добавленную стоимость;
- 4) акцизный налог;
- 5) налоги и специальные платежи для недропользователей;
- 6) налог за пользование водными ресурсами;
- 7) налог на имущество;
- 8) земельный налог;
- 9) налог на потребление бензина, дизельного топлива и газа для транспортных средств.

В случаях и порядке, установленных НК, может применяться порядок упрощенного налогообложения (единый налоговый платеж, единый земельный налог, фиксированный налог по отдельным видам предпринимательской деятельности).

К другим обязательным платежам (часть третья статьи 23 НК) относятся:

- 1) обязательные платежи в государственные целевые фонды:
  - единый социальный платеж;
  - страховые взносы граждан во внебюджетный Пен-

сионный фонд;  
обязательные отчисления в государственные целевые фонды;

сборы в Республиканский дорожный фонд;

2) государственная пошлина;

3) таможенные платежи;

4) сбор за право розничной торговли отдельными видами товаров и оказание отдельных видов услуг.

По закону (часть седьмая статьи 23 НК) в период реализации государственных общенациональных программ могут создаваться соответствующие фонды, в которые устанавливаются обязательные платежи в порядке, предусмотренном законодательством";

**пункт 14** изложить в следующей редакции:

"14. Уклонение от уплаты налогов связано с невыполнением лицом определенных норм налогового законодательства. В связи с этим обратить внимание органов дознания, следствия и судов на то, что по делам о преступлениях, предусмотренных статьей 184 УК, в постановлении о привлечении в качестве обвиняемого, обвинительном заключении и приговоре должно быть обязательно указано, какие конкретно нормы налогового законодательства, действовавшего на момент совершения преступления, нарушены обвиняемым, подсудимым";

в **пункте 20** слова "Верховному суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам" заменить словами "Суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам".

**18. От 6 сентября 2013 года № 18 "О судебной практике по делам о нарушении таможенного за-**

**конодательства и контрабанде":**

в **пункте 20** слова "Верховному суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам" заменить словами "Суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам".

**19. От 13 декабря 2013 года № 20 "О некоторых вопросах судебной практики по делам, связанным с предпринимательской деятельностью":**

в **пункте 15** слова "Верховному суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам" заменить словами "Суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам";

**20. От 23 мая 2014 года № 7 "О судебном приговоре":**

**абзац третий пункта 6** изложить в следующей редакции:

"Мотивированный вывод суда о недостаточности собранных по делу доказательств, непризнании доказательств таковыми в виду их получения с нарушением закона либо о неустранимости сомнений в виновности подсудимого по предъявленному ему обвинению в целом, служит основанием для вынесения оправдательного приговора, что вытекает из смысла статьи 464 УПК";

**пункт 24** изложить в следующей редакции:

"24. Важным элементом описательной части обвинительного приговора являются мотивированные выводы суда относительно квалификации преступления по той или иной статье уголовного закона, его части либо пункту. При этом должно быть конкретно указано, почему именно по этой статье, части, пункту квалифицируются

действия виновного. Признавая подсудимого виновным в совершении преступления по признакам, относящимся к оценочным категориям (например, существенный вред, тяжкие последствия и т.д.) суд также обязан привести исчерпывающие доказательства, послужившие основанием для наличия в содеянном указанного признака.

В соответствии со статьей 467 УПК основания и мотивы изменения обвинения судом должны быть мотивированы в описательной части приговора.

В соответствии со статьей 415 УПК суд вправе изменить обвинение. При этом исключаются части обвинения или квалифицирующие признаки преступления.

Суд вправе изменить или дополнить предъявленное дознанием, предварительным следствием обвинение в порядке, предусмотренном в статьях 416 и 417 настоящего Кодекса";

**пункт 25** изложить в следующей редакции:

"25. Придя к выводу о необходимости изменения ранее предъявленного подсудимому обвинения на статьи уголовного закона, предусматривающие ответственность за преступления, дела по которым возбуждаются по заявлению потерпевшего (часть первая статьи 105, статья 109, часть первая статьи 110, статья 111, часть первая статьи 118, часть первая статьи 119, часть первая статьи 121, статья 136, части первая и вторая статьи 139, части первая и вторая статьи 140, частью первой статьи 141-1, статья 149, статьи 167, 170, 172, 173 УК), суд принимает решение, исходя из наличия в деле заявления потерпевшего о привлечении виновного к уголов-

ной ответственности”;

**абзац второй пункта 29** изложить в следующей редакции:

“Если санкция статьи УК предусматривает наряду с основным наказанием обязательное дополнительное наказание, суд может не назначать дополнительное наказание только по основаниям, указанным в части пятой статьи 45 и 57 УК”.

**21. От 26 июня 2015 года № 10 “О некоторых вопросах судебной практики по делам, связанным с преступлениями против безопасности движения и эксплуатации транспорта”:**

**абзац второй пункта 19** исключить;

**пункт 27** изложить в следующей редакции:

“27. Обратит внимание судов на то, что при рассмотрении дел о преступлениях против безопасности движения и эксплуатации транспортных средств важное значение имеет взыскание материального ущерба, причиненного указанными преступлениями. При разрешении этих вопросов судам необходимо руководствоваться разъяснениями, изложенными в постановлениях Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 27 декабря 2016 года № 26 “О судебной практике по применению законодательства о возмещении имущественного вреда, причиненного преступлением”, а также от 28 апреля 2000 года № 7 “О некоторых вопросах применения законодательства о компенсации морального вреда”;

**22. От 18 сентября 2015 года № 13 “О судебной практике по применению законодательства о погашении и сня-**

**тии судимости”:**

**второе предложение пункта 7** изложить в следующей редакции:

“Например, в случае назначения наказания в виде лишения права занимать определенные должности или заниматься определенной деятельностью в качестве дополнительного наказания к направлению в дисциплинарную часть, лишению свободы, данное наказание распространяется на все время отбывания указанных основных видов наказания, а срок погашения или снятия судимости исчисляется с момента отбытия дополнительного наказания”;

**в пункте 14** слова “Верховному суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам” заменить словами “Суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам”.

**23. От 27 декабря 2016 года № 26 “О судебной практике по применению законодательства о возмещении имущественного вреда, причиненного преступлением”:**

**пункт 10** дополнить **абзацем вторым** следующего содержания:

“При решении вопроса о взыскании материального ущерба, причиненного преступлением, необходимо исходить из стоимости имущества на день вынесения приговора”;

**абзацы второй и третий пункта 10** считать соответственно **абзацами третьим и четвертым**;

**абзац второй пункта 18** изложить в следующей

редакции:

“В случаях, когда изменение размера имущественного вреда может повлиять на квалификацию преступления или изменение объема обвинения в сторону, ухудшающую положение осужденного, приговор подлежит изменению с соответствующим изменением квалификации либо объема обвинения, если по этим основаниям принесен протест прокурора или подана жалоба потерпевшим (его представителем)”;

**в пункте 21** слова “Верховным судам Республики Каракалпакстан по уголовным и гражданским делам” заменить словами “судам Республики Каракалпакстан по уголовным и гражданским делам”.

**24. От 27 декабря 2016 года № 27 “О практике применения законодательства об исполнении постановлений судов по уголовным делам”:**

**в пункте 20** слова “Верховному суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам” заменить словами “Суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам”.

**25. От 27 декабря 2016 года № 27 “О судебной практике по досрочному освобождению от отбывания наказания и замене наказания более мягким”:**

**в пункте 30** слова “Верховному суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам” заменить словами “Суду Республики Каракалпакстан по уголовным делам”.

**Председатель Верховного суда  
Республики Узбекистан**

**К. КАМИЛОВ**

**Секретарь Пленума,  
судья Верховного суда**

**И. АЛИМОВ**



**Вилоят суди кассация инстанцияси процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларига риоя қилинмаган ҳолда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилган.**

Даъвогар Х.Ўроқов нотариал тасдиқланган ишончнома асосида З.Эркаевнинг манфаатини кўзлаб, судга 2017 йил 26 майда даъво аризаси билан мурожаат қилган ва 2017 йил 5 мартда М.Эркаев ва Х.Исроиловлар ўртасида Жиззах тумани, "Гулбаҳор" ШФЙ, М.Авезов кўчаси, 11-уй, 1-хонадон юзасидан тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2017 йил 21 июндаги ҳал қилув қарорига асосан Х.Ўроқовнинг З.Эркаева манфаатидаги даъво талаби рад қилинган.

Сирдарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 22 августдаги ажрими билан суд қарори қисман бекор қилиниб, 2017 йил 5 мартда нотариал тасдиқланган уй олди-сотди шартномасининг 6-бандини ҳақиқий эмас, деб топиш, З.Эркаева ва унинг фарзандларидан ташқари фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда, Фуқаролик кодексининг 488-моддасига асосан, фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган бошқа шахслар йўқ деб, 8-бандидаги "лозим" деган сўздан сўнг "З.Эркаева ва унинг фарзандларидан ташқари" деб қайд этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилиниб, қарорнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Жиззах тумани, "Гулбаҳор" ШФЙ, М.Авезов кўчаси, 11-уй, 1-хонадон туман ҳокимлиги қошидаги уй-жой фондини хусусийлаштириш комиссияси томонидан 1998 йил 16 майда ва Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қўмитаси Жиззах вилояти бошқармаси томонидан 2016 йил 27 декабрда берилган 3730-сонли мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерига асосан М.Эркаевга тегишли бўлган.

З.Эркаева Муслим Эркаев билан 2008 йил 14 октябрда қонуний никоҳдан ўтган ва низоли турар жойга келин бўлиб тушган. Эр-хотинни биргаликдаги турмушларидан икки нафар фарзанд туғилган.

Тарафлар ўртасидаги ўзаро келишмовчилик оқибатида суднинг 2016 йил 11 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан қону-

ний никоҳ бекор қилинган.

Дўстлик туманлараро судининг 2013 йил 14 октябрдаги ҳал қилув қарорига асосан З.Эркаева вояга етмаган фарзандлари билан бирга М. Авезов кўчаси, 11-уй, 1-хонадонга киритилиб, фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган.

2017 йил 15 мартдаги нотариал тасдиқланган шартномага асосан М.Эркаев ўзига тегишли бўлган турар жойни Х.Исроиловга сотган ва сотиб олувчининг мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан 2017 йил 16 мартда ўтказилган.

Шартноманинг 6-бандида сотилаётган уй-жойда Фуқаролик кодексининг 488-моддасига асосан фойдаланиш ҳуқуқини ўзига сақлаб қоладиган шахслар йўқлиги қайд қилинган бўлса-да, З.Эркаевнинг фуқаролик паспортида қайд этилган турар жойда 2008 йил 25 январдан буён доимий рўйхатда туриши аниқланган.

Вилоят суди кассация инстанцияси суд қарорини қисман бекор қилиб, даъво талабини шу қисми бўйича қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилишда З.Эркаева низоли турар жойда доимий рўйхатда туриши, ҳозирда қонуний кучда бўлган суд қарори асосида фойдаланиш ҳуқуқи билан уйга киритилгани, олди-сотди шартномасини расмийлаштиришда "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома талабларига риоя қилинмай, яшовчининг ҳуқуқлари бузилгани билан асослантириб, нотўғри хулосага келган.

Чунки Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги қарори 17-бандига асосан олди-сотди шартномаси унинг иштирокчилари учун ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириши боис ушбу шартноманинг ҳақиқийлигини қонунда белгиланган асослар бўйича фақатгина шартнома иштирокчилари ҳамда шартнома объектининг мулкдорлари низолашишга ҳақлидирлар.

З.Эркаева М.Авезов кўчаси 11-уй, 1-хонадонда доимий рўйхатда турган бўлиб, олди-сотди шартномасида унинг фойдаланиш ҳуқуқига доир масала ҳал қилинмай ва у битим иштирокчиси ҳисобланмаслиги боис, шартнома шартлари бўйича низолашиш ҳуқуқига эга эмаслиги,

амалдаги қонунчиликда битимларни қисман ҳақиқий эмас, деб топиш назарда тутилмагани вилоят суди кассация инстанциясининг эътиборидан четда қолиб, низо Фуқаролик процессуал кодексининг 207-моддаси талабларига зид равишда даъво талабларининг доирасидан четга чиққан ҳолда ҳал қилинган.

Судлар процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларини қўллашда жиддий хатоликка йўл қўйганликларини инобатга олиб, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 23 апрелдаги ажрими билан вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 22 августдаги ажрими бекор қилинди, Дўстлик туманлараро судининг 2017 йил 21 июндаги ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилди.

ФСХ-645-18-сонли ажрим

**Судлар томонидан процессуал қонун нормалари талабларига риоя этилмаган ҳолда далилларга етарли баҳо берилмагани оқибатида қабул қилинган қарорлар бекор қилиниб, янги ҳал қилув қарори қабул қилинди.**

Даъвогар К.Эгамбердиев 2017 йил 1 августда судга жавобгар Паркент туман ҳокимлигига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Паркент шаҳарчаси, 600 кв.метр ер участкасида жойлашган Елибай кўчаси, 48-уйдаги яшаш майдони 36,18 кв.метр бўлган 2 та яшаш хонасидан иборат уйига нисбатан эгалик ҳуқуқини юзага келтирувчи муддат асосида эгалик ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Юқоричирик туманлараро судининг 2017 йил 25 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан К.Эгамбердиевнинг даъво талаби рад қилинган.

Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 2 ноябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, 600 кв.метр ер участкасида жойлашган, яшаш майдони 36,18 кв.метр 2 та яшаш хонаси, ошхона, омборхона ва бостирмалардан иборат Паркент шаҳарчаси, Елибай кўчаси, 48-уй шаҳар халқ депутатлари кенгаши ижроқўмининг 1973 йил 12 апрелдаги 8/125-сонли қарори асосида Нурмат Эркаевга тегишли бўлган.

Нурмат Эркаев 1982 йил 10 февралда вафот этган.

7-сонли "Мурувват" маҳалласининг

2017 йил 8 июлдаги далолатномасида марҳум Нурмат Эркаевнинг вафотидан олдин К.Эгамбердиев унинг қарамоғида бўлгани, дафн маросимларини ўтказгани, коммунал ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида амалга ошириб келгани қайд қилинган.

К.Эгамбердиев қайд этилган турар жойда ҳақиқатан ҳам, марҳум билан бирга узоқ муддат яшаб келганлигини гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Х.Миртоиров ва Н.Қурбонвалар ҳам тасдиқлади.

Даъвогарнинг фуқаролик паспорти нусхасидан кўринишича, у Елибой кўчаси, 20-уйда 1977 йил 25 июндан доимий рўйхатда туради.

Суд даъвони рад қилишда К.Эгамбердиев марҳум Нурмат Эркаевга тегишли турар жойни бузиб ташлаб, ўзбошимчалик билан бошқа иморат қурганлигига асосланиб, нотўғри хулосага келган. Чунки Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қўмитаси Қибрай туман бўлимининг 2017 йил 30 октябрдаги маълумотномасида 1967 йилда қурилган, қурилиш ости майдони 15,8 кв.метр омборхона ҳамда қурилиш ости майдони 6,74 кв.метр шийпон бузиб ташланиб, уларнинг ўрнига қурилиш ости майдони 53,70 кв.метрдан иборат янги уй қурилгани, 1958 йилда қурилган майдони 44,39 кв.метр, яшаш майдони 36,18 кв.метрдан иборат уй мавжудлиги баён қилинган.

Мазкур ҳолат К.Эгамбердиев томонидан фақатгина турар жойдаги ёрдамчи қурилмалар бузилгани, асосий яшаш уйи сақлаб қолиниб, у ундан узоқ йиллардан бери ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз фойдаланиб келаётганидан далолат беради.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 27-бандида эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тўғрисидаги қарорларни тўғрисидаги қарорларни тўғрисидаги нормалари, уйга эгалик қилиш мазкур қонунда белгиланган муддат мобайнида шартнома мажбуриятлари (ижара, текин фойдаланиш) асосида амалга оширилган ҳолларда қўлланилмаслиги белгилаб қўйилган. Суд томонидан К.Эгамбердиев низоли уйнинг фойдаланиш тартиби ҳақида марҳум мулкдор билан бирон-бир келишув тузганлиги иш ҳолатида аниқланмаган.

Ушбу ҳолатлар вилоят суди апелляция инстанциясининг эътиборидан ҳам четда қолиб, суд қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида асослантирилмаган хулосага келинган.

Судлар процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларини қўллашда жиддий хатоликка йўл қўйганликларини инобатга олиб, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 7 мартдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилинди, даъвогар К.Эгамбердиевнинг даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинди.

*ФСХ-462-18-сонли ажрим*

**Суд томонидан моддий ҳуқуқ нормасига риоя қилмаслик қарорлари бекор қилиш учун асос бўлади.**

Даъвогар И.Азизов жавобгар Э.Абдуллаев, А.Ботиров ва Чирчиқ тумани молия бўлимига нисбатан моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво талаблари билан судга мурожаат қилган. Даъво аризасида қайд этилишича, 2013 йил 1 ноябрда йўл транспорт ҳодисаси содир бўлгани, Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ инспектори Э.Абдуллаев МЖТКнинг 133-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айблаб, маъмурий чора қўллаш тўғрисида қарор чиқаргани, 2014 йил 1 мартда иш ҳужжатларини жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман судига юборгани, ушбу ноқонуний қарорни Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ суриштирув бўлими бошлиғи милиция подполковники А.Ботиров айби бор-йўқлигини текширмасдан тасдиқлагани, иш бир неча мартаба судларда кўрилиб, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2014 йил 4 сентябрдаги қарорида унга нисбатан МЖТКнинг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилингани юзасидан тўпланган маъмурий иш МЖТКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан унинг ҳаракатида маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлгани сабабли тугатилган. Шундан келиб чиқиб, даъвогар ноқонуний қарор қабул қилган ва ушбу қарорни тасдиқлаган Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ суриштирувчиси Э.Абдуллаев ва А.Ботировнинг гайриқонуний ҳаракатлари сабабли бир йилга яқин ишдан қолиб, судма-суд юриб, 2 000 000 сўм моддий зарар кўргани, адвокат хизматида 500 000 сўм тўлаб, жами 2 500 000 сўм моддий ва 1 000 000 сўм маънавий зарарни Чирчиқ тумани Молия бўлими орқали Республика бюджетидан

ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг 2016 йил 23 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, И.Азизовнинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, жавобгарлар Э.Абдуллаев ва А.Ботиров томонидан етказилган моддий зарар учун 500.000 сўм, маънавий зарар ҳисобига 500.000 сўм даъвогар И.Азизов фойдасига Чирчиқ Молия бўлими орқали Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ундириш белгиланган.

Чирчиқ Молия бўлиmidан давлат фойдасига 114.888 сўм давлат божи ундирилиши белгиланган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 17 мартдаги ажрими билан ҳал қилув қарорининг давлат божи ундиришга оид қисми бекор қилиниб, янги ҳал қилув қарори билан Чирчиқ Молия бўлими давлат божи тўловидан озод қилинган.

Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, 2013 йил 1 ноябрь куни ҳайдовчи Р.Собиров ўзига йўл варақаси орқали бириктирилган "ИСУЗУ-САЗ" русумли автобусда Ҳамза туманида жойлашган "ТХАЙ" кўчаси бўйлаб "Кўйлик" бозори томонига ҳаракатланиб келаётиб, оралиқ масофани сақламагани натижасида "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 11.10-банди талабига риоя қилмай, бир йўналишда олдинда турган ҳайдовчи И.Азизов бошқарувидаги "Ваз-21070" русумли автомашинанинг орқа қисмига келиб урилган. Тўқнашув зарбидан ҳайдовчи И.Азизов бошқарувидаги автомашина ўзидан олдинда тўхтаб турган ҳайдовчи Д.Давронов бошқарувидаги "Дамас" русумли автомашинага урилган.

2013 йил 5 декабрь куни Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари томонидан тасдиқланган суриштирув бўлими инспектори Э.Абдуллаевнинг қарори билан ҳайдовчи Р.Собировнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли унга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш рад этилиб, МЖТКнинг 133-моддасига асосан маъмурий тартибда чора қўллаш учун ЙТХ ҳужжатлари жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Ҳамза туман судига юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман судининг 2014 йил 4 январдаги 406/14/22 сонли хати билан Р.Собировнинг МЖТКнинг 133-моддаси билан жавобгарликка тортиш ҳақидаги маъмурий иш ҳужжатлари қўшимча суриштирув ишлари олиб бориш учун Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБга

қайтарилган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ суриштирув бўлими бошлиғи А.Ботиров томонидан тасдиқланган Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ инспектори Э.Абдуллаевнинг маъмурий чора қўллаш тўғрисида 2014 йил 5 мартдаги қарори билан Р.Собиров ва И.Азизовга нисбатан МЖТКнинг 133-моддасига (транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши) асосан маъмурий чора кўриш учун йўл транспорт ҳодисаси ҳужжатлари жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман судига юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Ҳамза тумани судининг 2014 йил 1 апрелдаги қарори билан Р.Собиров ва И.Азизовга нисбатан МЖТКнинг 133-моддасига асосан тўпланган маъмурий ҳуқуқбузарлик иши, МЖТКнинг 271-моддаси 7-бандига асосан тугатилган (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб, ушбу кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетганлиги сабабли).

И.Азизовнинг шикоятлари асосида маъмурий ишнинг унга нисбатан қисми судларда бир неча маротаба кўрилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик иши МЖТКнинг 271-моддаси 7-бандига асосан тугатилиб келинган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2014 йил 4 сентябрдаги қарорига кўра, И.Азизовга нисбатан МЖТКнинг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилганлиги юзасидан тўпланган маъмурий иш МЖТКнинг 271-моддаси 1-бандига (маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқлиги) асосан тугатилган, манфаатдор томонларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Суд даъвогарнинг даъво талабларини муҳокама қилиб, содир этилган йўл транспорт ҳодисаси натижасида жавобгарга нисбатан ноқонуний тарзда маъмурий иш қўзғатилгани, жавобгарларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракати оқибатида даъвогар адвокат хизматидан фойдаланишга мажбур бўлгани ва бунинг оқибатида 500.000 сўм миқдоридан зарар кўргани, қолган моддий зарар суммаси ўз тасдиғини топмагани, шунингдек, жавобгарларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари сабабли даъвогарнинг соғлиги бир қанча муддатга бузилгани, даъвогар ушбу ҳолат

юзасидан адолат қарор топиши учун бир неча суд инстанцияларига мурожаат қилгани оқибатида сарсон бўлгани, бундай ҳолатда даъвогарга маънавий зарар етказилган деб топиб, даъвогар фойдасига Чирчиқ Молия бўлими орқали Республика бюджетидан моддий зарар учун 500.000 сўм ва маънавий зарар ҳисобига 500.000 сўм ундириш ҳақида хулосага келган.

Ваҳоланки, судлар томонидан жиноят ишлари бўйича судларнинг дастлабки қарорларида даъвогарга нисбатан МЖТКнинг 23-моддасида назарда тутилган маъмурий жазо чоралари қўлланилмагани, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бошланган пайтига келиб, МЖТКнинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетгани сабабли тугатилгани, дастлабки тергов органлари ходимларининг, хусусан, жавобгарларнинг даъвогарга нисбатан қўзғатилган маъмурий иш бўйича қонунга хилоф ҳаракатлар қилганликлари, қонун билан йўл қўйилган далиллар билан тасдиқланмаганлик ҳолатига тегишли баҳо берилмаган.

Фуқаролик кодексининг 991-моддасига мувофиқ, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда қўллаш натижасида фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўлиқ ҳажмда тўланиши, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг бошқа тарздаги қонунга хилоф фаолияти натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, умумий асосларда тўланади.

Мазкур кодекснинг 1021-моддасига кўра, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўлланиш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса, қопланиши ҳақидаги нормаларга судлар томонидан тегишли баҳо берилмаган.

Шунга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 11 январдаги ажрими билан Чирчиқ туманлараро судининг 2016 йил 23 ноябрдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 17 мартдаги ажримининг даъвогар И.Азизовнинг даъво талабларини қаноатлантириш қисми бекор қилиниб, даъво аризани тўлиқ рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

ФСҲ 6-358-18-сонли ажрим

**Ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқламаслик асослангирилмаган суд қарори қабул қилишга сабаб бўлган.**

Даъвогар Мирзо Эргашев судга Когон туман ҳокимининг 2015 йил 24 декабрдаги 1574-сонли қарори ва Когон туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан берилган 2016 йил 29 январдаги гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат этган. Даъво аризасида қайд этилишича, М.Эргашевнинг отаси Ахтам Эргашев туманнинг Чорсу кўчаси (собиқ М.Горький) 95-уйнинг 14 сотихдан иборат бўлган уйга 1968 йилдан қурилиш қилишни бошлаб, 1971 йил қисман тугатган ва тугатилган қисмига газ ўтказиб, оиласи билан яшаб келган, отаси уй-жойни ҳеч кимга васият қилиб қолдирмаган, онаси эса, олти нафар фарзандларига васиятнома қолдирган, низоли уйни бўлишга ўзаро келишолмаганлари, ўрталарида мерос бўйича низо бўлса-да, Когон туман ҳокимининг 2015 йил 24 декабрдаги 1574-сонли қарори билан Чорсу кўчаси, 95-уйни 95/1-уй деб белгилаб, Шавкат Эргашев номига эгалик ҳуқуқи белгиланган ва ушбу қарор Когон туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан рўйхатдан ўтказилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро судининг 2016 йил 5 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Мирзо Эргашевнинг даъво аризаси қаноатлангирилиб, Когон туман ҳокимининг 2015 йил 24 декабрдаги Когон тумани, Чорсу маҳалла фуқаролар йиғини, Чорсу кўчасида жойлашган 95/1-сонли уйга нисбатан фуқаро Шавкат Эргашевга эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги 1574-сонли қарори ҳамда Когон туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг 2016 йил 29 январдаги ВУ 0023230-сонли гувоҳнома ҳақиқий эмас, деб топилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 24 майдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро судининг 2015 йил 2 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан аризачи Мирзо Эргашевнинг мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан аризаси қаноатлангирилиб, Когон туман ҳокимининг 2015 йил 19 мартдаги М.Мухаммедовнинг талабларини рад этиш ҳақидаги хатти-ҳаракатлари ғайриқонуний деб топилди, туман ҳокими

зиммасига Когон тумани Чорсу маҳалла фуқаролар йиғини, Чорсу кўчаси, 95-уй-жойни марҳум Ахтам Эргашев номига эгалик ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида қарор чиқариб бериш мажбурияти юклатилган. Манфаатдор Шавкат Эргашевга Когон тумани Чорсу маҳалла фуқаролар йиғини, Чорсу кўчаси, 95/1-уйга нисбатан эгалик ҳуқуқини олиш учун Когон туман ҳокимлигига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Когон туман ҳокимининг 2015 йил 19 ноябрдаги 1364-сонли қарорига асосан Когон тумани Чорсу маҳалла фуқаролар йиғини, Чорсу кўчасида жойлашган умумий ер майдони 720 кв.м., фойдаланадиган майдони 57,6 кв.м., яшаш майдони 44,7 кв.м, 2 хонадан иборат 95-уйга нисбатан марҳум Ахтам Эргашев номига эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Мазкур қарор давлат рўйхатидан ўтказилган.

Когон туман ҳокимининг 2015 йил 24 декабрдаги 1574-сонли қарорига асосан Когон тумани Чорсу маҳалла фуқаролар йиғини, Чорсу кўчасида жойлашган умумий ер майдони 462 кв.м., фойдали майдони 133,4 кв.м., яшаш майдони 96,4 кв.м, 5 хонадан иборат 95/1-уйга нисбатан Шавкат Эргашевнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Мазкур қарор давлат рўйхатидан ўтказилган.

Судлар туман ҳокимининг низоли қарори билан 95/1-уйнинг қурилиш ости майдони бириктириб берилмасдан Ш.Эргашевга эгалик ҳуқуқи белгилангани, туман ҳокимлиги томонидан ер майдони айнан кимга ажратиб берилгани аниқланмасдан қарор қабул қилингани ва низоли 95/1-уй ўлчамлари кадастр ҳужжатларидаги ўлчамларга мос келмаслиги, Ш.Эргашев номига эгалиги белгиланган уйда марҳум А.Эргашев томонидан қурилган уйлар ҳам мавжудлиги, кадастр гувоҳномалари эса, туман ҳокимининг қарори асосида белгилангани ва бу ҳолат меросхўрларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид эканлигини қайд этиб, даъво талабларини қаноатлангиритиш ҳақида хулосага келган.

Ваҳоланки, Когон туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг 2016 йил 31 мартдаги ФИ-15-661-сонли маълумотномасида қайд этилишича, Чорсу маҳалла фуқаролар йиғини, Чорсу кўчасида жойлашган 95-уйнинг архив ҳужжатлари ўрганиб чиқилганда, аввалги М.Горький, ҳозирги Чорсу кўчасидаги 95-уй фуқаро Ахтам Эргашев номига 1973 йил 15 ноябрдаги ер рентаси ва солиқ тўлов-

ларини тўлаб бориш учун аввалги "БТИ" ташкилоти томонидан ҳужжат тайёрланган. Шу кўчадаги 95/1-уйнинг архив ҳужжатларига асосан ўрганиб чиқилганда, 95/1-уйга фуқаро Шавкат Эргашев номига 1973 йил 15 ноябрда ер рентаси ва солиқ тўловларини тўлаб бориш учун умумий ер майдони 489,6 кв.м., фойдаланадиган майдони 54,3 кв.м., яшаш майдони 44,7 кв.м., 2 хонадан иборат уйга ҳужжат тайёрланган.

Иш ҳужжатларида мавжуд бўлган М.Горький кўчаси (ҳозирги Чорсу) 103 "а" ҳозирги 95/1)-уйнинг 1973 йил 15 ноябрда бошланган инвентаризация-техник ишида уй-жойнинг мулкдори сифатида Шавкат Эргашев қайд этилган.

Худди шундай М.Горький кўчаси (ҳозирги Чорсу) 103-уйнинг (ҳозирги 95-уй) 1973 йил 15 ноябрда бошланган инвентаризация-техник ишида уй-жойнинг мулкдори сифатида Ахтам Эргашев қайд этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги қарори билан тасдиқланган "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 43-бандида, Ўзбекистон ССРнинг қонун ҳужжатлари амал қилган даврда бунёд этилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларга инвентаризация-техник материаллар, агар уларнинг матнида тўғри расмийлаштирилган, уйга мулк ҳуқуқини белгиловчи ҳужжатга аниқ ишора бўлса, кириши кўрсатилган.

Ер кодексининг 6-моддасига мувофиқ, ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига фуқароларга, юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш киради.

Мазкур кодекснинг 27-моддасига кўра, шаҳарлар ва посёлкаларда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмаган қишлоқ аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир оилага 0,06 гектаргача ер участкалари берилади.

Бундай ҳолда, даъвогарнинг 95/1-уй юзасидан туман ҳокими томонидан чиқа-

рилган қарор меросхўрларнинг ҳуқуқларини бузиши ҳақидаги важ билан келишиб бўлмади. Чунки низоли уй-га нисбатан туман ҳокими ваколати доирасида тегишли тартибда тақдим этилган ҳужжатлар асосида қарор қабул қилган. Бундан ташқари иш ҳужжатларида низоли 95/1-уй жойлашган ер майдони А.Эргашевга ажратилгани, шунингдек, мазкур уйда амалга оширилган қурилиш ишлари А.Эргашев томонидан қурилганини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмас.

Даъвогарнинг туман кадастр хизмати ходимлари томонидан Чорсу кўчасидаги 95/1-уйга нисбатан инвентар ҳужжатлар Шавкат Эргашевга 1973 йилда ноқонуний шакллантирилгани, Шавкат Эргашев ўша вақтда 17 ёшда бўлгани ҳақидаги важи ҳам Когон туман ҳокимининг 2015 йил 24 декабрдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўла олмайди.

Чунки Ахтам Эргашев томонидан Чорсу маҳалла фуқаролар йиғини, Чорсу кўчасида жойлашган 95/1-сонли уйга ва унга расмийлаштирилган инвентар ҳужжатларига нисбатан тириклик вақтида ҳеч қандай талаб ва эътирозлар келтирилмаган.

Шу билан бирга, юқорида қайд этилган Низомнинг 35-бандига кўра, ер юзида, ер тепасида ва ер остида жойлашган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзга шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор қилиниши давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Шунингдек, бино ва иншоот ёки уларнинг қисмлари ижараси ҳуқуқи ҳам бир йилдан ортиқ муддатга тузилган шартнома асосида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Когон туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан мулк ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳақидаги 2016 йил 29 январдаги гувоҳномаси ҳам мазкур Низомнинг 35-42-бандлари талаблари асосида берилган бўлиб, гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топиш учун асослар даъвогар томонидан келтирилмаган.

Бундай ҳолда даъвогарнинг қайд этилган гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги талаблари ҳам асоссиздир.

Шунга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 9 апрелдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабларини рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилди.

ФСҲ-6-426-18-сонли ажрим

## **Маҳқумга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросини таъминлаш чоралари текширилмаганлиги учун бу турдаги жазони озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш тўғрисидаги суд қарорлари бекор қилинди.**

Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2017 йил 27 июндаги ажрими билан Гулистон шаҳар Ички ишлар бўлими бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилиб, Ғ.га суд ҳукми билан тайинланган 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жазони манзил колонияларда ўташ белгиланган ва маҳқумга нисбатан қидирув эълон қилиниб, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2018 йил 23 январдаги ажрими билан суд ажрими ўзгартирилиб, Ғ.га тайинланган жазо умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2017 йил 18 январдаги ҳукмига кўра, Ғ. Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 22-бандида, ахлоқ тузатиш ишларини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазога алмаштириш масаласини ҳал қилишда, суд ахлоқ тузатиш иши ижросини амалга оширувчи орган томонидан ушбу жазо ижросини таъминлаш бўйича чоралар кўрилганлиги, маҳқум қонун талабига мувофиқ жазони ўташдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги ҳақида берилган маълумотларга эга бўлиши лозимлиги, агар тақдим этилган ҳужжатларда бундай маълумотлар мавжуд бўлмаса, судья тегишли текшириш ўтказиш учун ҳужжатларни ушбу жазо ижросини амалга оширувчи органга юбориш ҳақида ажрим чиқариши тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Бироқ суд қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилмасдан Гулистон шаҳар ИИБ ХПБ жазони ижро этиш гуруҳи томонидан маҳқум Ғ.га суд ҳукми билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари ижросини таъминлаш бўйича чоралар кўрилганлигини текширмаган ва тақдимномани қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Хусусан, Жиноят-ижроия кодексининг 27-моддасида жазоларни ижро этиш инспекциясининг мажбуриятлари белгиланган бўлиб, унга кўра, ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни ишга жўнатиши, маҳқумлар томонидан жазони ўташ шарт-

ларига риоя этилишини текшириши, маҳқумни қидириб топиш юзасидан дастлабки тадбирларни ўтказиши, зарур материалларни тайёрлаши ва тегишли хизматга юбориши шарт.

Тақдимнома кўрилган вақтда амалда бўлган Ички ишлар вазирлигининг 2001 йил 17 ноябрдаги 298-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тартибидеги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш тартибига оид Йўриқнома"нинг 8-бандида, ахлоқ тузатиш ишлари тартибидеги жазони ижро этувчи орган бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганларни белгиланган тартибда ишга юбориши ва ўз вақтида етиб борилишини назорат қилиши, жазонинг мазкур турларини ижро этувчи органларнинг чақирувига, узрси сабабларга кўра, келишдан бош тортган шахсларга нисбатан мажбурий олиб келиш ҳақида қарор чиқариши, маҳқумни қидириб топиш юзасидан дастлабки тадбирларни ўтказиши, зарур материалларни тайёрлаб, тегишли жиноят қидирув хизматида ошириши, 34-бандида, ахлоқ тузатиш иши жазосини бошқа жойларда ўташга ҳукм қилинганлар жазо муддатини ўташ учун жўнатилиб, корхонада иш бошланган кундан бошлаб жазо муддати ҳисобланиши кўрсатилган.

Иш бўйича жазони ижро этиш инспекцияси томонидан қайд этиб ўтилган қонун ҳамда буйруқ талаблари ҳам бузилган.

Иш бўйича аниқланган ҳолатларга кўра, суднинг ҳукми 2017 йил 30 январь куни қонуний кучга кирган ва Гулистон шаҳар ИИБ ЖИЭГ томонидан 2017 йил 9 февраль куни ҳисобга олинди, 2017 йил 22 февраль куни маҳқум Ғ. жазони ўташ тартиб-қоидалари билан таништирилган ва жазони ўташдан бўйин товлаганлик оқибатлари тўғрисида огоҳлантирилган.

Бироқ жазони ижро этиш инспекцияси ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ учун маҳқум Ғ.ни аниқ бир ташкилот, корхона ёки муассасага жўнатиш чорасини кўрмаган ва фақатгина Гулистон шаҳар бандликка кўмаклашувчи марказга уни иш билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан хат бериш билан чегараланган.

Ишга кўшилган ҳужжатлардан кўринишича, ҳукм қонуний кучга кирган вақтда Ғ. Гулистон ахборот-технологиялари коллежининг 3-босқич талабаси бўлган.

2017 йил 22 февралдан бошлаб тақдимнома киритилгунга қадар Гулистон шаҳар ИИБ ЖИЭИ ходимлари томонидан маҳқумни ишга жойлаштириш чоралари кўрилмаган.

Бундан ташқари 2017 йил 28 апрель куни маҳқумнинг яшаш манзили текширилиб, унинг уйда йўқлиги аниқланган ва далолатнома тузилган бўлса-да, ушбу манзилда яшовчи шахслардан маҳқумнинг қаерда эканлигини аниқлаш юзасидан тушунтириш олинмаган, шунингдек, маҳқум таҳсил олаётган ўқув муассасаси маъмуриятига сўров

хатлари юборилмаган, маҳкумни қидириб топиш юзасидан дастлабки тадбирлар ўтказилмаган ҳамда зарур материалларни тайёрлаб, жиноят қидирув хизматиغا ошириш чоралари кўрилмаган. Шунингдек, ушбу кунга қадар ўталмаган жазо муддати Жиноят кодексининг 46-моддаси 4-қисмида белгиланган миқдорни ташкил этмаган бир вазиятда ИИБ томонидан 2017 йил 23 июнь куни судга тақдимнома киритилган.

Биринчи инстанция суди тақдимноманинг асослигини гувоҳларни сўроқ қилиш ва қўшимча ҳужжатларни талаб қилиб олиш йўли билан текширмасдан маҳкумга суд ҳукми билан тайинланган 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириб, бундай хулосага келиш сабабларини етарлича асослантормаган.

Кассация инстанцияси эса, иш бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмаган ва тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги суд ажримини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 29 мартдаги ажрими билан Ғ.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборилди.

Назорат иши № 5-473-18

**Айбдорнинг қасдини аниқлашда хатога йўл қўйилганлиги учун унинг жиноий ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинган.**

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 9 ноябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2017 йил 4 октябрдаги ҳукмига кўра, М. Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми "б" банди билан 2 йил озодликни чеклаш, 104-моддаси 2-қисми "е" банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 3 йил озодликдан маҳрум қилиш, Жиноят кодексининг 59,61-моддалари тартибида 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, М. 2017 йил 7 май куни Фарғона туманидаги "Саткак" қишлоғида жойлашган дам олиш масканида Ё., А. ва Н.лар билан бир гуруҳ бўлиб, иккинчи томонда А. ва А.Н.лар бир гуруҳ бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимасдан, бирон-бир арзирли сабабсиз жанжаллашишган, фуқароларнинг тинчлигини бузишган, бир-бирларига енгил шикаст етказишган. Фуқароларнинг аралашуви билан уларнинг безорилик ҳаракатлари тўхтатилган. Аммо М. безорилик ҳаракатини давом эттириб, кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган тошдан қурол сифатида фойдаланиб, вояга етмаган А.Т.га ҳаёти учун хавфли бўлган оғир шикаст етказган.

Суд ушбу ишни кўришда судланувчининг қасдини аниқлашда хатога йўл қўйганлиги учун унинг жиноий ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинган.

Олий суд Пленумининг 2007 йил 27 июндаги "Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйи-

ча суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 2-бандида, баданга шикаст етказишга оид ишлар бўйича қилмишни тўғри квалификация қилиш учун айб шакли, баданга шикаст етказиш мотиви, мақсади ва усули, айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги, шунингдек, ишнинг тўғри ҳал этилиши ва айбдорга адолатли жазо белгиланиши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар батафсил аниқланиши лозимлиги, 3-бандида Жиноят кодексининг 104-110-моддалари бўйича жавобгарлик айбдорда мазкур моддалар диспозициясида кўрсатилган шикастни бошқа бир одамга ҳуқуққа хилоф равишда етказишга нисбатан қасд (тўғри ёки эгри) мавжуд бўлгандагина келиб чиқиши, агар айбдор ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли эканлигини англаса, жабрланувчи баданига муайян даражада шикаст етказиши мумкинлигига кўзи етса ва шуни хоҳласа ё хоҳламаса-да, бунга онгли равишда йўл қўйса ёки ўз қилмишидан келиб чиқадиган оқибатларга бефарқ қараса, барча қилмиш аслида келиб чиққан оқибатлар бўйича квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига амал қилинмаган.

Судда М. жанжал вақтида тошни А.ва А.Н.лар томонга отгани, бироқ тош кимга текканини кўрмагани, кейинчалик шу ерда бўлган А.Т.ни боши ёрилган ҳолда кўргани ҳақида кўрсатма берган.

Жабрланувчи вояга етмаган А.Т. судда 2017 йил 7 май куни "Саткак" қишлоғида жойлашган дам олиш масканида айланиб юриб, қир томонга ўтганида, ўша ерда жанжал бўлаётганини кўргани, у ерга яқинроқ бораётганида, жанжал бўлаётган томондан тош учиб келиб, пешонасига теккани, жанжалга аралашмагани ҳақида кўрсатма берган.

Бошқа судланувчи ва гувоҳлар жабрланувчининг ушбу кўрсатмасини тасдиқлашган.

Олий суд Пленумининг 2007 йил 27 июндаги "Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 22-бандида, агар айбдор қўллаган зўрлик жабрланувчини дўппослаш, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишга сабаб бўлса, жабрланувчи баданига оғир шикаст (ёки жабрланувчининг ўлими) айбдорнинг айби билан қамраб олинмаган ҳолатлар бўйича (масалан, зарбадан сўнг йиқилиш натижасида) келиб чиққан бўлса, айбдор оқибатига кўзи етмаган, бироқ кўзи етиши шарт ва мумкин бўлган ёхуд кўзи етса-да, етарли асосларсиз унинг олдини олишни мўлжаллаб қилган ҳаракатлари натижасида келиб чиққан оқибатлар Жиноят кодексининг 111 ёки 102-моддалари билан квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Судланувчи М.нинг ҳаракатларида вояга етмаган А.Т.нинг ҳаёти учун хавфли бўлган оғир шикаст етказишига нисбатан айби билан қамраб олинмаган ҳолатлар (у билан уришган А. ва А.Н.лар тарафга қарата тош отганлиги) оқибатида келиб чиққанлиги, яъни содир этилган ҳаракатларга нисбатан унинг қасди эҳтиётсизлик шаклида ифодаланганлиги сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйи-



ча судлов ҳайъатининг 2018 йил 23 мартдаги ажрими билан М.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, унинг ҳаракати Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисми "е" бандидан шу кодекснинг 111-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилиниб, 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди, Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми "б" банди билан тайинланган жазо ўзгаришсиз қолдирилиб, Жиноят кодексининг 59,61-моддалари тартибда 2 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

218-18- сонли ажрим

**Содир этилган жиноятга алоқадорлиги тўлиқ текширилмаганлиги учун жиноят иши тугатилишига, шахснинг реабилитация (оқланишига) қилинишига сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг 2011 йил 7 июндаги ҳукмига кўра, А. Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "в" банди, 228-моддаси 2-қисми "а,б" бандлари, 228-моддаси 3-қисми, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибда 2 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг 2011 йил 27 декабрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, шу иш бўйича судланган Э. "Олмалиқ ТМК" ОАЖ нефть таъминоти бошқармасида ҳайдовчи бўлиб ишлаб келиб, ОАЖ Автомобиль транспорти бошқармасига қарашли трактор парки махсус транспортлар ҳайдовчилари А. ва бошқалар билан уюшган гуруҳга бирлашиб, 2010 йил август ойидан 2011 йил январь ойига қадар бошқарувидаги давлат рақами "10 674 ОАА" бўлган "КАМАЗ-43118" русумли автомашина цистернасидаги дизель ёқилғисини юқорида қайд этилган ҳайдовчиларга белгиланган миқдордан кам қўйган ва ортиб қолган ёқилғининг ҳар бир литри эвазига 350 сўмдан беришга келишган, ёқилғи тарқатиш ведомостларига тўлиқ миқдорда ёқилғи қўйилгани ҳақида сохта маълумотлар киритган, шу йўл билан олинган 5.139.450 сўмлик 2.430 литр дизель ёқилғисини Ўзбекистон Республикаси чегарасидан 1 километр узоқликдаги Тожикистон Республикаси ҳудудида яшовчи М. исмли шахсга ҳар бир литрини 700 сўмдан сотган, сотувдан тушган пуллари уюшган гуруҳ аъзолари бўлган ҳайдовчилар билан ўзаро тақсимлаб олишган, сохта маълумотлар киритилган ведомостларни қалбаки эканини билгани ҳолда, "Олмалиқ ТМК" ОАЖ нефть таъминоти бошқармасига топширган.

Суд ушбу ишни кўришда А.нинг содир этилган жиноятга алоқадорлигини тўлиқ текширмаган ва жиноят ишида унинг айбини исботловчи далиллар мавжуд эмаслигини инобатга олмай, талон-торож жиноятида айблаб хатога йўл қўйган.

Жиноят кодексининг 9-моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмиши учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида,

иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текширилиб чиқилиши, айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам энгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги, 23-моддаси 3-қисмида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти, уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори 3-бандида, ҳукм Жиноят-процессуал кодексининг 26 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлиги;

ушбу қарорнинг 6-бандида ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил сифатида тан олинмаганлиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган ҳулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ ушбу иш бўйича қайд этилган қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя этилмаган.

А. дастлабки тергов ва судда, айбли қилмиш содир этмаганлигини кўрсатиб, 2002 йилдан буён "Олмалиқ ТМК" ОАЖ Автотранспорт бошқармаси трактор паркида юклаш техникаси машинисти бўлиб ишлаб, ОАЖ Мис бойитиш фабрикаси "Шарқия" карьерида ўзига бириктирилган хўжалик рақами 09 бўлган "Дреста-560" русумли юклаш машинасини бошқариб келиши, иш вақти сменали бўлиб, икки кун ишлаб, икки кун дам олиши, 2011 йил 15 январдан бошлаб сменадоши М. меҳнат таътилга чиққанлиги сабабли бир ўзи ишлаб келгани, ҳар куни ишдан сўнг машина "моточаст"ининг кўрсаткичларига қараб бақда қолган дизель ёқилғисининг миқдорини белгилаб қўйиши, шунга қараб эртаси куни ёқилғи олиниши, 160 та "Белаз" автомашинасига шағал юклаб бериши, юклаш машинаси соатига ўртача 36,2 литр дизель ёқилғиси сарф қилиши, ҳар сменада ўртача 280-290 литр дизель ёқилғиси қабул қилиб олиши, дизель ёқилғисини унга "Камаз" русумли махсус машинасида Э. олиб келиб, йўл варақасида кўрсатилган миқдорда қўйиб бериши, Э. ҳар доим йўл варақасида кўрсатилган миқдордаги дизель ёқилғисини бошқарувидаги техника воситасига тўлиқ қўйиб бергани, кам қўйиб берган ҳолатлари бўлмагани, Э.дан ҳеч қачон кам қўйиб берилган дизель ёқилғиси эвазига пул олмагани, дизель ёқилғисини ҳеч қачон ҳеч қачон сотмагани, Э. ва бошқа ҳайдовчилар билан тил бириктирмагани ҳақида кўрсатма берган.

Шу иш бўйича судланган Э. дастлабки тергов давридаги кўрсатмаларида 2010 йил ёз ойларидан бошлаб бошқарувидаги "Камаз-43118" русумли автомашина цистернасида бўлган дизель ёқилғисини ҳайдовчилар билан баъзида уларга бил-

дирмасдан белгиланганидан кам миқдорда қуйиб, улар сезиб қолган вақтда эса, ҳар бир литр ёқилғи учун 350 сўмдан беришга келишиб, ортиб қолган ёқилғининг ҳар бир литрини 700 сўмдан сотиб келгани, 2011 йил 29 январь куни ҳам бошқарувидаги автомашина цистернасидаги дизель ёқилғисидан 300 литрини "Шарқия" карьерига бориб, А. бошқарувидаги хўжалик рақами 09 бўлган "Дреста-560" русумли юклаш машинаси бакига лимит бўйича 300 литр ўрнига 235 литр қуйгани, йўл варақасига эса, 300 литр қуйиб берганини айтган бўлса-да, А. билан ўтказилган юзлаштириш тергов ҳаракати, айбланувчи тариқасида қўшимча сўроқ вақти ва судда А. билан дизель ёқилғисига 350 сўмдан беришга келишмагани, лимит бўйича 300 литр ёқилғи қуйиши лозим бўлса-да, билдирмасдан 50-60 литр ёқилғини уриб қолгани, ёқилғи кам қуйилганини А. билмагани, дастлаб нотўғри кўрсатма берганини билдирган.

Ишдаги хужжатлардан кўринишича, А.ни айбдор деб топиш учун судланган Э.нинг дастлабки кўрсатмаларидан бошқа ҳеч қандай далил мавжуд эмас.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 167-моддасида айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик белгиланган. Дастлабки тергов ва суд томонидан А.га ишониб топширилган ва унинг ихтиёрида бўлган қанча миқдордаги мулк талон-торож қилингани ҳамда унинг қиймати аниқланмаган ва буни исботловчи далил жиноят ишида мавжуд эмас.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 30 мартдаги ажрими билан А.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят ишининг А.га оид қисми унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмагани сабабли Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 3-бандига асосан тугатилди.

*Назорат иши №5-402-18*

#### **Суд қарорининг ўта хавфли рецидивист деб топиш қисми бекор қилинди.**

Жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 2017 йил 26 апрелдаги ҳукмига кўра, Д. Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида 10 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 6 июндаги ажримига кўра, ҳукм ўзгартирилиб, Д. Жиноят кодексининг 34-моддаси 3-қисми "а" бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилиб, жазони махсус тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Д. 2005 йил 7 сентябрь куни соат 16:30да М.нинг Ангрен шаҳар, Нуробод кўрғони, 13-уй, 44-хонадонида спиртли ичимлик истеъмол қилиб, мастлик ҳолатида у билан жанжаллашиб қолади ва М.ни қасддан ўлдирди.

Суд Д.нинг ишини кўришда моддий қонун нормаларини нотўғри қўллаб, уни ўта хавфли рецидивист деб топиб, хатога йўл қўйган.

Жиноят кодексининг 34-моддаси 3-қисми "а" бандида, илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилиши белгиланган.

Иш ҳолатига кўра, Д. оғир жиноят содир этганлиги учун биринчи марта Ўрта Чирчиқ тумани судининг 1999 йил 31 майдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "г" банди, 25,168-моддаси 3-қисми "б" банди, 168-моддаси 3-қисми "а, б" бандлари билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 8 йил озодликдан маҳрум этилган.

Иккинчи марта жиноят ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ тумани судининг 2001 йил 4 октябрдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2001 йил 13 ноябрдаги ажрими билан Д.га оид жиноят иши бўйича суд қарорлари Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-сонли қонунига мувофиқлаштирилиб, унинг ҳаракати Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а" бандидан 168-моддаси 2-қисми "б" бандига, яъни унча оғир бўлмаган жиноятга қайта квалификация қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят апелляция инстанцияси суди Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги "Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида"ги қарори 22-бандида шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги масалани ҳал қилишда суд бундай қарор қабул қилинишига монелик қиладиган ҳолатлар бор-йўқлигини (аввалги жиноятлар неча ёшда содир этилганлигини, илгари содир этилган жиноятлар бўйича судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланганлигини, юқори инстанция судлари томонидан жиноят квалификацияси ўзгартирилган ёки йўқлигини ва ҳ.к.) текшириш кераклиги ҳақидаги тушунтиришга риоя этмасдан Д.нинг судланганлик ҳолатларининг бири оғир, иккинчиси эса, унча оғир бўлмаган жиноятларни ташкил этганига аниқлик киритмасдан, уни Жиноят кодексининг 34-моддаси 3-қисми "а" бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топган ҳолда жазони махсус тартибли колонияларда ўташини белгилаб, хатолликка йўл қўйган.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 22 февралдаги ажрими билан Д.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 6 июндаги ажрими ўзгартирилиб, уни Жиноят кодексининг 34-моддаси 3-қисми "а" бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топиш ва жазони махсус тартибли колонияларда ўташини белгилаш қисми бекор қилинди.

*Назорат иш № 5-175-18*

## **Моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг нотўғри қўлланилиши суд қарорларини бекор қилинишига асос бўлади.**

Жинойят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг 2016 йил 29 ноябрдаги қарорига асосан, Чела Рам Говинд Рам МЖТКнинг 225-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилган ва унга нисбатан энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида — 7 488 750 сўм жарима жазоси тайинланган.

Шунингдек, МЖТКнинг 29<sup>1</sup>-моддасига асосан, унинг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи уч йил муддатга чекланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш белгиланган.

Жинойят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2016 йил 28 декабрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Жинойят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2017 йил 11 январдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Жинойят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2017 йил 4 апрелдаги қарори билан суд қарорларидан Чела Рам Говинд Рамга нисбатан МЖТКнинг 225-моддаси биринчи қисми билан тайинланган энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридаги, яъни 7 488 750 сўм жарима жазоси чиқариб ташланган, суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Прокурор томонидан келтирилган протестда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 2017 йил 29 ноябрдаги қарори ва Тошкент шаҳар судининг 2017 йил 4 апрелдаги қарорини Чела Рам Говинд Рамга нисбатан жазо тайинлашга оид қисмини, протестда кўрсатилган асосларга кўра, ўзгартириш сўралган.

Куйидаги асосларга кўра, барча суд қарорларини бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш лозим топилди.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, Афғонистон Ислом Республикаси фуқароси Чела Рам Говинд Рам доимий яшаш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш мақсадида Ўзбекистон Республикасига келган бўлиб, Тошкент шаҳар Юнусобод туман ИИБ томонидан 2007 йил 16 февралда берилган яшаш гувоҳномаси бўйича рухсат берилган ва рўйхатдан ўтказилган Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, С.Азимов кўчаси, 54-уй, 48-хонадонда яшаб келган. Ушбу ҳолат ишдаги далиллар,

шу жумладан, фуқаро А.Караханян, ички ишлар органи ходимлари С.Умаров, Б.Нурматовларнинг тушунтириш хатлари, Юнус Ражабий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Зоҳидовнинг 2016 йил 9 декабрдаги 1695-сонли маълумотномаси билан тасдиқланади.

Ишдаги далиллар протестда келтирилган важлар асосли эканлигидан, Чела Рам Говинд Рам ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикасига турли соҳалар бўйича ишлаб чиқаришга инвестициялар киритиб, янги иш ўринлари ташкил этиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келганлигидан ва унинг банклар олдида бир қатор мажбуриятлари вужудга келганлигидан далолат беради. Ушбу далилларни инкор этиб бўлмайди. Жумладан, Чела Рам Говинд Рам Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 40-уйда рўйхатдан ўтказилган "ARJUN INVESTMENT" масъулияти чекланган жамиятининг 5 620 650 000 сўмлик 99 фоизли улуши билан таъсисчиси ҳисобланади. Ушбу ҳолат Тошкент шаҳар Юнусобод туман ҳокимлиги ягона дарча маркази томонидан 2016 йил 4 январда П7238-10-сон билан рўйхатга олинган "ARJUN INVESTMENT" масъулияти чекланган жамиятининг таъсис шартномаси ва устави билан тасдиқланади.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки балансида бўлган "MED INVEST" масъулияти чекланган жамиятини сотиб олиш юзасидан тузилган 2016 йил 15 февралдаги шартномага мувофиқ "ARJUN INVESTMENT" масъулияти чекланган жамияти зиммасига ТИФ Миллий банкига 2021 йил 5 январга қадар белгиланган жадвал асосида 17 025 500 000 сўм тўловларни амалга ошириш мажбурияти юклатилган. Ушбу ҳолат Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг 2016 йил 13 декабрдаги АК-486/24-сонли хати билан тасдиқланади.

АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиалидан асосий фаолият тури трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўлган "ELIT STAR TEXTILE" масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги улушини сотиб олиш юзасидан 2016 йил 18 апрелда тузилган шартнома бўйича "ARJUN INVESTMENT" масъулияти чекланган жамияти зиммасига 2021 йилга қадар 24 228 109 300 сўм тўлаш юзасидан мажбурият юклатилган. Ушбу ҳолат АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг 2016 йил 13 декабрдаги 01-05/4261-сонли хати билан

тасдиқланади.

Шунингдек, АИТБ "Ипак йўли" томонидан гишт ишлаб чиқариш заводини сотиб олиш тўғрисида 2016 йил 16 майда тузилган шартнома бўйича "ARJUN INVESTMENT" масъулияти чекланган жамияти зиммасига 2019 йил 16 майгача 4 263 000 000 сўм кредитни қайтариш юзасидан мажбурият юклатилган бўлиб, 2016 йил 13 декабрь ҳолатига банк олдидаги мавжуд қарз 3 000 000 000 сўмни ташкил этган. Ушбу ҳолат АИТБ "Ипак йўли"-нинг 2016 йил 13 декабрдаги 24/826К-сонли хати билан тасдиқланади.

Кўриниб турганидек, Афғонистон Ислом Республикаси фуқароси Чела Рам Говинд Рамнинг устав фондида 99 фоиз улуши бўлган "ARJUN INVESTMENT" масъулияти чекланган жамиятининг 2016 йил 13 декабрь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси банкларидан жами қарзи 44 253 609 300 сўмни ташкил этган.

Суд инстанциялари эса, иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқламасдан ва иботламасдан, Чела Рам Говинд Рам ва адвокатларнинг вазларини текширмасдан, ишдаги далилларга ҳуқуқий баҳо бермасдан, юқорида қайд этилган ҳолатлар, яъни Чела Рам Говинд Рамнинг кўп йиллардан буён Ўзбекистон Республикасида яшаб, турли соҳалар бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига инвестициялар киритиб, янги иш ўринлари ташкил этиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб ишлаб келаётганлиги, доимий яшаш жойига эгаллиги, "ARJUN INVESTMENT" масъулияти чекланган жамиятининг таъсисчиси эканлиги, банклар олдида мажбуриятлари борлиги, бир нафар вояга етмаган фарзанди унинг қарамоғида эканлигини инобатга олмасдан, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаб, унга нисбатан жарима жазоси тайинлаш ва уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан мажбурий тарзда чиқариб юбориш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари Тартибининг 20-банди б-кичик бандида хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасидан кетишига, агар шахсга нисбатан унинг доимий яшаш учун чет элга кетишига тўсқинлик қилувчи шартнома, контракт мажбуриятлари амалда бўлса, ушбу мажбуриятлар тўхтатилгунга қадар рухсат берилмаслиги назарда тутилган.

"Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонуннинг 15-моддаси биринчи қисмига мувофиқ инвестиция фаолияти билан боғлиқ

ҳолда Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган Афғонистон Ислом Республикаси фуқароси Чела Рам Говинд Рам чет эллик инвестор сифатида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида эркин юриш ҳуқуқига эгадир. Шу боисдан унинг 2016 йил 9 октябрдаги ижара шартномаси асосида Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Шаршара кўчаси, 121-уйдан ҳам фойдаланиши Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш, деб баҳоланмайди.

Қолаверса, протестда Тошкент шаҳар Яшнобод туман ИИБ томонидан берилган 2018 йил 7 февралдаги маълумотномага кўра, Чела Рам Говинд Рамга хорижий фуқаро учун расмийлаштириладиган Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси берилган ва ҳозирги кунда Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, С.Азимов кўчаси, 54-уй, 48-хонадонга доимий рўйхатга қўйилганлиги қайд этилган.

Суд қарорларида баён қилинган хулосалар иш ҳолатларига мувофиқ келмайди. Суриштирув органи ва суд томонидан Чела Рам Говинд Рамнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги иботланмаган.

МЖТКнинг 307-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек, ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шартлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 22-сонли қарори 10-бандининг иккинчи хатбошисига ҳуқуқбузарликнинг содир этилганлиги ва бунда шахснинг айбдорлик масаласини муҳокама қилишда судья тақдим қилинган ҳужжатлар билан чегараланмасдан, заруратга қараб, қўшимча далиллар талаб қилиш, ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузган мансабдор шахс, жабрланувчи ва гувоҳларни чақириш, экспертизалар тайинлаш, ашёвий далилларни кўздан кечириш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириши лозимлиги таъкидланган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида 2016 йил 17 ноябрдаги баённомага кўра, Чела Рам Говинд Рамнинг МЖТКнинг 224, 294-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқлари тушунтирилмаган, ушбу баённомани рас-

мийлаштиришда таржимон иштирок этмаган, ўзбек тилини билиш-билмаслиги аниқланмасдан баённома ўзбек тилида тузилган. Айнан унинг ўзбек тилини билмаганлиги учун биринчи инстанция судида таржимон Б.Нигматов қатнашган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 2016 йил 29 ноябрдаги қарори билан МЖТКнинг 24-моддаси талабларига риоя этмасдан иккита асосий жазо тури, яъни ҳам жарима жазоси, ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2017 йил 4 апрелдаги қарори билан эса, МЖТК 321-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилмаган, яъни суд қарорларидан жарима жазосини чиқариб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Ушбу маъмурий ишни кўришда МЖТК талаблари ва Олий суд Пленумининг тушунтиришларига риоя қилинмаган. Бундай ҳолатда ушбу иш юзасидан чиқарилган суд қарорларини қонуний, асосли ва адолатли, деб бўлмайди. Шу боисдан ушбу иш бўйича чиқарилган барча суд қарорларини бекор қилиш, Афғонистон Ислом Республикаси фуқароси Чела Рам Говинд Рамнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломати йўқлиги сабабли унга нисбатан юритилган ишни тугатиш, протестни қисман қаноатлантириш лозим топилди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан Афғонистон Ислом Республикаси фуқароси Чела Рам Говинд Рамга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 2016 йил 29 ноябрдаги қарори, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2016 йил 28 декабрдаги қарори, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2017 йил 11 январдаги қарори ва жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2017 йил 4 апрелдаги қарори бекор қилиниб, маъмурий иш бўйича иш юритиш тугатилди.

*Назорат иши № 7-136-18*

**Содир этилган қилмишнинг кам аҳамиятлилиги ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этишга сабаб бўлади.**

Гулистон шаҳар маъмурий судининг 2017 йил 18 августдаги қарорига асосан Қумрихон Жўраева МЖТКнинг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилган ва унга энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида — 149 775 сўм жарима жазоси тайинланган.

Сирдарё вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2017 йил 27 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгартирилиб, Қ.Жўраевага МЖТКнинг 41-моддаси билан ушбу кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида — 149 775 сўм жарима жазоси тайинланган.

Назорат тартибида берилган шикоятда биринчи ва кассация инстанцияси судлари томонидан асоссиз равишда қарорлар чиқарилганлиги баён қилиниб, суд қарорларини бекор қилиш ва МЖТКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан ушбу маъмурий ишни тугатиш сўралган.

Мазкур шикоятга асосан маъмурий иш ҳужжатлари ўрганиб чиқилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд қарорларини бекор қилиб, Қ.Жўраевани маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиш лозим топилди.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, Қ.Жўраева 2017 йил 31 июль куни соат 10<sup>00</sup> да Гулистон шаҳридаги "ADVOKAT NURMAT" адвокатлик бюроси биносида адвокат Н.Ниязовни ҳақорат қилган. Ушбу ҳолат ишдаги далиллар билан ўз тасдиғини топган ва уларни инкор этиб бўлмайди.

Хусусан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, гувоҳлар Ф.Мусаев, Ф.Якубов, Н.Айитқулов, Г.Абдурахмонова, Ш.Раҳматуллаев томонидан Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи номига 2017 йил 3 августда ёзилган тушунтириш хатларида Қ.Жўраеванинг адвокат Н.Ниязовга бақриб, ҳақорат қилгани баён қилинган.

Шу боисдан, Қ.Жўраеванинг Н.Ниёзовни ҳақорат қилмаган деган важи билан келишиб бўлмайди. Бундай ҳолатда МЖТКнинг 271-моддаси 1-бандини қўллаб, Қ.Жўраевани маъмурий жавобгарликдан озод қилиб бўлмайди. Чунки Қ.Жўраева томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликда унга нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни истисно қиладиган ҳолатлар мавжуд эмас. Қолаверса, шикоятда кўрсатилган ҳолатлар Қ.Жўраевага Н.Ниёзовни ҳақорат қилишга ҳуқуқ бермайди ва уни маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ деб жавобгарликдан озод қилиш учун асос ҳисобланмайди.

Зеро, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари, ахлоқий ва қонун нормаларини ҳурмат қилишлари керак, қонун ҳужжатларининг талабларига риоя

этишга мажбурдирлар.

Фуқаролар томонидан бошқа шахсларни ҳақорат қилиш, яъни уларнинг шаъни ва кадр-қимматини қасддан камситишга йўл қўйилмайди. Қонунда назарда тутилган талабларга риоя қилинмаган тақдирда, суд шахсга қарашли ҳуқуқни ҳимоя қилишни рад этиши мумкин.

Аммо биринчи ва кассация инстанцияси судлари жарима жазосини тайинлашда Қ.Жўраева ва адвокат Н.Ниязов ўртасидаги низоли ҳолатнинг келиб чиқиш сабабларига эътибор бермаган кўринади.

Ваҳоланки, Қ.Жўраева 2017 йил 26 январдаги шартномага асосан келишилган 800 000 сўмнинг 600 000 сўми тўлангани, адвокат ишни ижобий ҳал қилишга ваъда бериб, ўз вазифасини бажармагани, даъво аризаси судда кўрилиши ҳақида хабар олганидан сўнг адвокат Н.Ниязовни яна топа олмагани, судда адвокатнинг иштирокисиз дадаси билан бирга қатнашгани, суд даъвони рад қилганини билдириб, адвокатга нисбатан чора кўриш ва пули қайтарилишида ёрдам беришни сўраб, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасига мурожаат қилган.

Қ.Жўраеванинг адвокат Н.Ниязовнинг ҳаракатларидан норози бўлиб, Адвокатлар палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасига берган ушбу аризаси юзасидан ўтказилган хизмат текширувида адвокат томонидан амалдаги қонун талаблари, хусусан, "Адвокатура тўғрисида"ги қонун ва "Адвокатнинг касб этикаси қоидалари" талабларига риоя қилинмаганлиги ҳолатлари ўз тасдиғини топган. Ушбу ҳолат Адвокатлар палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малага комиссиясининг 2017 йил 6 сентябрдаги 11-сонли баённомаси билан тасдиқланади.

Қ.Жўраеванинг ушбу аризасида баён этилган ҳаракатлар ўз тасдиғини топганлиги сабабли мазкур баённома билан "ADVOKAT NURMAT" адвокатлик бюроси адвокати Н.Ниязовнинг адвокатлик лицензияси амал қилишини олти ой муддатга тўхтатиш интизомий жазо чораси қўлланилган.

Адвокат Н.Ниязов Қ.Жўраева билан 2017 йил 26 январда тузилган шартномага кўра, даъво аризасининг судда кўрилишида қатнашиши лозимлиги, лекин телефонини йўқотиб қўйгани сабабли Қ.Жўраева унга кўнгирок қила олмагани ва суд мажлисидан беҳабар қолиб, судда қатнаша олмагани, Қ.Жўраеванинг иши ижобий ҳал бўлишига кўзи етмаганлиги сабабли у тўлаган 600 000 сўм пулни тузилма ҳисобига кирим қил-

маганини баён қилган.

Қ.Жўраева адвокатнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан норози бўлганлиги сабабли пулни қайтариб олиш мақсадида "ADVOKAT NURMAT" адвокатлик бюросига келган ва адвокат Н.Ниязов билан юқорида қайд этилган низоли ҳолат вужудга келган кўринади.

Биринчи инстанция суди Қ.Жўраева томонидан содир этилган қилмиш кам аҳамиятли, деган хулосага келиб, жарима жазоси тайинлаган бўлса, кассация инстанцияси суди жабрланувчи Н.Ниязов судга 2017 йил 14 сентябрда ёзма равишда мурожаат қилиб, Қ.Жўраева ундан кечирим сўраб, ўзаро келишиб, ярашиб олганликлари, унинг Қ.Жўраевага даъво си йўқлигини билдириб, ярашганликлари муносабати билан унга энгиллик беришни сўраганлигига ҳам эътибор бермаган.

Бундай ҳолатда, яъни содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли, деган хулосага келинган тақдирда, МЖТКнинг 21-моддаси талаби асосида ҳуқуқбузар маъмурий жавобгарликдан озод этилиб, ишни юритиш тугатилиши ва у огоҳлантириш билан чегараланиши лозим эди. Бу ҳақда Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 8-бандининг иккинчи хатбошида таъкидланган.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, суд қарорларини бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш, Қ.Жўраева томонидан содир этилган МЖТКнинг 41-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятлилиги, Қ.Жўраева ва Н.Ниязов ярашганликлари ҳисобга олиниб, инсонпарварлик, одиллик, кечиримлилик, адолатлилик принципларига асосланган ҳолда ушбу кодекснинг 21-моддасини қўллаб, Қ.Жўраевани маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиш, шикоятни қисман қаноатлантириш лозим топилди.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан Гулистон шаҳар маъмурий судининг 2017 йил 18 августдаги қарори ва Сирдарё вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2017 йил 27 сентябрдаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддаси қўлланилиб, Жўраева Қумрихон Қобиловна ушбу кодекснинг 41-моддасида назарда тутилган маъмурий жавобгарликдан озод қилинди ва огоҳлантириш билан кифояланилди.

Назорат иши № 7-137-18

**Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоот ва қурилмалар мулкдорларидан бозорлар ва савдо комплекслари инфратузилмасидан фойдаланганлик учун тўловлар кадастр ҳужжатларида кўрсатилган ер майдонидан келиб чиқиб ундирилади.**

"Сирғали деҳқон бозори" акциядорлик жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "M.ZOIRXON" хусусий корхонасидан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 46 104 000 сўм инфратузилма тўловини ундириб беришни сўраган.

Суднинг 2017 йил 21 июндаги ажрими билан ишга низонинг предметиға мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида "Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат унитар корхонаси жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 30 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлангилан. Жавобгардан даъвогар фойдасига 46 104 000 сўм ундирилган. Суд харажатлари жавобгар зиммасига юклатилган.

Иш апелляция тартибида кўрилмаган.

Кассация инстанцияси судининг 2017 йил 28 августдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, жавобгарга тегишли умумий майдони 126 кв.м. бўлган 2 қаватли 2, 3-дўконлар, умумий майдони 65 кв.м. бўлган 14-блокдаги 2 қаватли дўкон, умумий майдони 64 кв.м. бўлган 2 қаватли 14-блокдаги дўконлар, жами 255 кв.м. майдон Сирғали тумани, Сирғали мавзеси, Янги Сирғали кўчасидаги даъвогар ҳудудида жойлашган.

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг даъвогарга тақдим этган маълумотномасида жавобгарнинг ушбу савдо дўконлари "Сирғали деҳқон бозори" акциядорлик жамияти ҳудудида жойлашганлиги кўрсатилган.

Даъвогарнинг маълумотиға кўра, бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик юзасидан жавобгарга у эгаллаган 255 кв.м. майдондаги савдо дўкони учун 2014 йил январь-февраль ойлари бўйича ҳар бир кв.м.га 1 600 сўмдан, жами 816 000 сўм, 2014 йил март-декабрь ойлари учун ҳар бир кв.м.га 4800 сўмдан, жами 12 240 000 сўм; 2015 йил январь-декабрь ойлари учун ҳар бир кв.м.га 4 800 сўмдан, жами 14 688 000 сўм; 2016 йил январь-декабрь ойлари учун ҳар бир кв.м.га 4 800 сўмдан, жами 14 688 000 сўм; 2017 йил январь-март ойлари учун ҳар бир кв.м.га 4 800 сўмдан, жами 3 672

000 сўмлик тўловлар ҳисобланган. Ушбу тўловлар тўланмаганлиги сабабли жавобгарнинг 2017 йил 1 апрель ҳолатиға даъвогар олдида инфратузилма тўловидан қарзи 46 104 000 сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2010 йил 26 апрелдаги Қарори 4-бандиға кўра, бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатилдиган хизматлар қиймати минимал миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҳар йили белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 27 январда 2185-сон билан рўйхатға олинган "Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 3-бандиға кўра, бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган ставкалар ва таърифлар бўйича ҳудудий молия ва солиқ органлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҳар йили белгилангилан минимал миқдорлардан паст бўлмаган миқдорда ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан (2014 йил 26 декабрда 2643-сон билан, 2016 йил 14 январда 2751-сон билан, 2017 йил 20 январда 2854-сон билан) рўйхатға олинган ҳар йил учун белгиланган бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатилдиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларига берилган тушунтиришға кўра, бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоот ва қурилмалар мулкдорларидан бозорлар ва савдо комплекслари инфратузилмадан фойдаланганлик учун ундириладиган тўлов кадастр ҳужжатларида кўрсатилган эгалланган ер майдонидан келиб чиқиб ундирилади.

Бозор инфратузилмаси учун тўланиши белгиланган тўловлар жорий этилиши, бозорлар ва савдо комплексларини умумий фойдаланишида бўлган объектларини таъмирлаш ва ре-

конструкция қилиш харажатларини қоплашга қаратилган бўлиб, бозор ҳудудида жойлашган бино-иншоотга эга мулкдорлар муайян бозор инфратузилмадан фойдаланиши ҳамда бу фойдаланишнинг алоҳида мулкдор бўйича ҳисобини олиб боришнинг мақбул механизми йўқлиги муносабати билан тўловлар бинонинг эгалланган ер майдонидан келиб чиқиб белгиланган.

Шунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ҳар йиллик тўловларнинг минимал миқдорлари белгилаб келинган. Ушбу белгиланган тўловларнинг минимал миқдорлари, ўз навбатида, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг 2013 йил 9 апрелдаги 239/4-25-сонли, 2014 йил 4 мартдаги 213-сонли, 2015 йил 28 февралдаги 161-сонли, 2016 йил 16 мартдаги 241-сонли қарорлари билан тасдиқланган.

Судлар томонидан жавобгарга у эгаллаган 255 кв.м. майдондан ҳисобланган инфратузилма тўлови ундирилиб, хатоликка йўл қўйилган.

Жавобгарга тегишли кадастр ҳужжатлари ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг 2018 йил 26 январдаги маълумотига кўра, даъвогар ҳудудида жавобгарнинг умумий майдони 126 кв. метр бўлган 2 қаватли бинонинг (14-блокдаги 2 ва 3-сонли савдо дўконлари) ер майдони 63 кв. метрни, умумий майдони 65 кв. метр бўлган 2 қаватли бинонинг ер майдони 33 кв. метрни, умумий майдони 64 кв. метр бўлган 2 қаватли бинонинг ер майдони 32 кв. метрни ташкил этади (63+33+32=128).

Жавобгарнинг кадастр ҳужжатларига кўра, жавобгарнинг даъвогар ҳудудида жойлашган савдо дўконлари жами ер майдони 128 кв. метрни ташкил этади.

Жавобгар даъвогарнинг ҳудудида жойлашган бино-иншоотнинг мулкдори ҳисобланади ва ундан қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан ҳар йиллик тўловларнинг минимал миқдорлари талаби бўйича тўловлар кадастр ҳужжатларида кўрсатилган эгалланган ер майдонидан келиб чиқиб ундирилиши лозим.

Бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик юзасидан жавобгардан у эгаллаган 128 кв.м. майдондаги савдо дўкони учун 2014 йил бўйича ҳар бир кв.м.га 1 600 сўмдан, январь-февраль ойлари учун 409 600 сўм, 2014 йил ҳар бир кв.м.га 4800 сўмдан март-декабрь ойлари учун 6 144 000 сўм, 2015 йил ҳар бир кв.м.га 4 800 сўмдан январь-декабрь ойлари учун 7 372 800 сўм, 2016 йил ҳар бир кв.м.га 4 800 сўмдан январь-декабрь ойлари учун 7 372 800 сўм, 2017 йил ҳар бир кв.м.га 4 800 сўмдан январь-март ойлари учун 1 843 200 сўм, жами 23 142 400 сўмлик тўловлар ундирлиши лозим.

Назорат шикоятда томонлар ўртасида шартнома тузилмагани, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 4 мартдаги 213-сонли, 2015 йил 24 февралдаги 161-сонли ва 2016 йил 16 мартдаги 241-сонли қарорлари ўз кучини йўқотганини судлар инobatга олмагани ҳақида важлар келтирилган.

Томонлар ўртасида шартнома тузилмагани жавобгарни инфратузилма тўлови тўлашдан озод қилмайди ва шу сабабли тўлов ҳокимлик қарорларида белгиланган минимал миқдордан келиб чиқиб ҳисобланади. Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳар йил учун ставка ва таърифларни белгилаш юзасидан қабул қилинган қарорлари бўйича ўша давр учун ҳисобланган тўловлар ундирилган.

Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 302-моддаси биринчи қисмига асосан иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг исботланмагани, ҳал қилув қарорида баён қилинган ҳулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилгани ёхуд нотўғри қўлланилгани биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

ИПКнинг 322-моддаси биринчи қисмига мувофиқ суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Жорий йилнинг 4 майида Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан Тошкент шаҳар иқтисодий судининг 2017 йил 30 июндаги ҳал қилув қарори ва кассация инстанция судининг 2017 йил 28 августдаги қарори ўзгартирилиб, суд қарорларининг "M.ZOIRXON" хусусий корхонасидан "Сирғали деҳқон бозори" акциядорлик жамияти фойдасига 46 104 000 сўм инфратузилма тўлови ундириш қисми 23 142 400 сўмга, "M.ZOIRXON" хусусий корхонасидан давлат бюджетига 461 040 сўм давлат божи ундириш қисми 231 424 сўмга ўзгартирилди.

Даъвонинг "Сирғали деҳқон бозори" акциядорлик жамияти фойдасига "M.ZOIRXON" хусусий корхонасидан 22 961 600 сўм ундириш ҳақидаги қисмини қаноатлантириш рад этилди.

Иш юзасидан 2017 йил 31 июлда берилган "Сирғали деҳқон бозори" акциядорлик жамияти фойдасига "M.ZOIRXON" хусусий корхонасидан 46 104 000 сўм инфратузилма тўлови ундириш ҳақидаги ва "M.ZOIRXON" хусусий корхонасидан давлат бюджетига 461 040 сўм давлат божи ундириш ҳақида ижро варақалари бўйича ундирув бекор қилинди.

10-1704/17133-сонли иш